O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 31-март • № 13 (3842)

Александр ФАЙНБЕРГ,
Ўзбекистон халқ шоири

НАВРЎЗ ҚАНОТЛАРИ

Баланд чўққиларда эримайди қор.
Бироқ ўша оппоқ қор рангли виқор
Водийларга тушди, гуллади баҳор.
Наврўз! Наврўз! Сенга тўсиқ йўқ зинҳор.

Яратган эгамга шукур!

Наврўзни дилмурда атеистлар диний маросим дея тақиқлаган замонлар қайтмас бўлиб кетганига шукур. Динни жаҳолатдан фарқлай билмаганлиги туфайли уларнинг ўзлари жаҳолат навкарларига айланишган эди. Минбарларда, газеталар саҳифаларида Наврўзга қарши тинимсиз бонг уришарди. Бироқ уларнинг барча чиранишлари беҳуда эди. Одамлар қишлоқлардаги кенг ҳовлиларида, шаҳар маҳаллаларида дошқозон осиб сумалак қайнатишаверар, кураш тушиб, кўпкари чопиб завқланишаверар эди. Отлар эса кенг саҳроларда баҳор байрами истиқболига қараб елаверарди.

Бизнинг бугунги замонимизда Наврўзни мадҳ этган карнайлар осмонни кўтариб турибди. Ёш йигитчалар қизларга жилмайиб боқади, қизлар эса, бироз уялиб ерга қарайди, қаро киприклари билан чарақлаган кўзларини ёпади. Катталар бунинг учун ёшларни койимайди.

Наврўз. Баҳор. Бахт ваъдаси, аҳд ила паймон.

Тинч осмон остида тоғлар, водийлар, даштлар, дарёлар. Уларнинг ортида далалар, боғлар, шаҳарлар. Карнайларнинг садоси умид қўшиғи бўлиб бутун мамлакатга эшитилади. Бу байрам қўшиғидир.

Бугун бутун олам беғубор, кўркам,
Меҳр улашади Наврўз шамоли.
Келинчак бошида ҳилпирар ўктам
Гулдек нафис рўмол — баҳор жамоли.

Ҳаёт умрбоқийдир. Дарёлар оқаётир. Баҳорда чўлларда қизғалдоқларнинг алвон алангаси ёнади. Боғлар гуллайди. Болалар улғаяди.

Уларнинг азиз бошларига қанотларингни соябон қил, руҳларини тарк этма, Наврўз.



КЎКЛАМ ОҒУШИДА...
Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

СУВ МЎЛМИ?

Сув ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз? Геродот Мисрни «Нилнинг туҳфаси» деган экан. Буюк қумликлар орасида яратилган неча минг йиллик тарих, ҳайратли маъбудалар, инсоният тафаккури билан яратилган етти мўъжизанинг бири — эҳромлар шу дарё туфайли бунёд бўлганлигининг эътирофи.

Табиатнинг бу ноёб инъоми тўғрисида нималарни биламизу нималардан бехабармиз? Сув тўғрисида ўйлашимизга, қайғуришимизга ҳожат борми ўзи? Тирикликнинг жон томири бўлган бу неъматга нисбатан бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Бир қарашда бу саволлар бениҳоя жўн туюлиб кетади. Харитада кўриниб турибди — ер юзининг катта қисмини океанлар, дарё ва кўллар эгаллаган. Ҳар йили қанчадан қанча жойни сув босади, дарёлар ўзанларига сиғмай, чор атрофга ғулу солади. Ҳар йили неча минг-минг гектар жой шўрланади, ботқоқликка айланади. Сув табиий офат бўлиб, одамларнинг устига, шаҳар ва қишлоқларга, экин майдонларига бостириб келади. Сув ва олов хуруж қилган жойда ҳаёт издан чиқади.

Буларнинг ҳаммаси сувнинг ҳаддан ташқари кўплигидан. Шу боис ҳамки, обиҳаётнинг таги мўл, минг йил оқиб ётса тугамайди, деган фикр мавжуд. Аслида ҳам шундайми?

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери тирик жонзот олдида кўндаланг бўлиб келаётган муаммолардан бири сув муаммосидир. Бу муаммонинг мураккаблиги шундаки, сув оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам инсон ҳаётига, атроф-муҳитга хавф пайдо бўлади. Она сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида сурункали қурғоқчилик давом этиб, ичимлик суви тиллага тенг бўлиб турган бир пайтда ер юзи аҳолисининг бешдан икки қисми сув тошқинлари доимий равишда такрорланиб турадиган, денгиз ва океан сатҳи кўтарилиши эҳтимоли бор минтақаларда яшайди.

Расмий маълумотларга кўра, ер юзида содир бўлаётган табиий офатларнинг аксарияти сув билан боғлиқ ва уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда дунё аҳолисининг миллиарддан кўпроғи тоза ичимлик сув билан таъминланмаган, бир ярим миллиард киши тозаланмаган, истеъмол учун деярли яроқсиз сувдан фойдаланади. Бунинг оқибатида ҳар йили уч миллиондан ортиқ киши, асосан беш ёшгача бўлган болалар турли касалликларга чалиниб ҳаётдан кўз юмади.

Ҳиндистон, Покистон, АҚШ, Хитой, Филиппин, Бангладеш каби мамлакатларда сўнгги йилларда юз берган даҳшатли тўфонлар, сув тошқинлари оқибатида неча минг-минг киши ҳалок бўлди. Ачинарлиси шундаки, инсон фаолияти туфайли атмосферага ҳар йили неча юз миллиард тонналаб заҳарли газлар кўтарилмоқда, табиатга ўрнини тўлдириб бўлмас даражада зиён-заҳмат етказилмоқда. Бунинг оқибатида иқлим шароити ўзгариб, ер шарида глобал илиш жараёни бошланди. Кўпчилик бунга ҳозирча бефарқ қарамоқда. Неча миллион йиллик улкан муз тоғларининг эриб, океанга қулашини худдики қизиқарли томоша кўраётгандай завқланиб кузатиб турибмиз, холос. Табиат бизни бўлғуси офатлардан, тўфонлардан огоҳ қилмоқда, аммо чора йўлларини излаётганимиз йўқ.

Яқин Шарқ минтақасидаги баъзи давлатларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси шу қадар кескинки, олимлар жуда катта сарф-харажат ҳисобига денгиз сувларидан фойдаланиш ёки Шимолий муз океанларида сузиб юрган ҳайбатли айсбергларни шатакка олиб мамлакат ҳудудига яқин жойларгача судраб келиш ва улар таркибидаги чучук сувдан фойдаланиш режалари устида бош қотирмоқдалар. Кўплаб мамлакатларда сувнинг бир томчиси исроф қилинмайди, ҳаттоки оқовадан, ёмғир сувидан ҳам инсон эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Ҳозирча сув олдимиздан ўз ҳолича оқиб ётибди. Ўзбекистонда йилига ўртача 53,1 миллиард кубометр куб миқдорида сув ишлатилади. Асосий манба — ерусти сувлари. Жами миқдорнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига сарфланади. Мамлакат ҳудудининг 4,3 миллион гектари суғорилади. Мутахассисларнинг фикрича, бизда экин майдонларини суғоришга белгиланган ўртача миқдорга нисбатан тўрт (!) баробар кўп сув ишлатилади. Ўзбекистонда ўрмонлар кам, аммо қурилишда ёғочдан фойдаланиш даражамиз ўрмонлари зиёда бўлган Болтиқбўйи мамлакатларига нисбатан бир неча баробар кўп. Улар ёғочни миллий бойлик сифатида асраб-авайлашади. Европа мамлакатлари сув тошқинларидан деярли ҳар йили азият чекадилар, аммо сувни бизчалик исроф қилишмайди.

Бизда, тан олайликки, сувга нисбатан муносабат ёмон. Маълумотларга қараганда, экин майдонларига обиҳаёт етказиб берувчи каналлар тозаланмаганлиги, дренаж қувурлари яроқсиз ҳолга келганлиги оқибатида суғориш учун мўлжалланган сувнинг Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида 48 фоизи, Жиззах вилоятида 23 фоизи йўқотилади. Бу кўрсатгич Фарғона вилоятида 15, Сурхондарёда 22 фоизни ташкил этади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳали тўла ҳал этилмаган. Қорақалпоғистон, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги кўплаб қишлоқларда одамлар тозаланмаган сувдан фойдаланишга мажбур бўлаётган бир шароитда бошқа бир жойда сув катта миқдорда исроф қилинаётгани сир эмас.

Дарёларимизнинг ирмоқлари, масалан, Чирчиқ, Салор каналлари ҳаддан ташқари ифлосланган. Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм вилоятларидаги айрим корхоналар сув манбаларига зарарли чиқиндиларни ташлаётганлари ачинарли бир ҳолдир.

Исрофгарчилик шаҳарларимизда ҳам мавжуд. Бундан бир неча йиллар аввал бир олимимизнинг уйига Япониядан келган меҳмон ҳовли тўртта бетўхтов оқиб ётган, экинга, кўчага сепилаётган ичимлик сувни кўриб, «Жаноб, сиз миллиардермисиз?» дея ҳайратланиб сўраган экан. Тонг қоронғусида мингга яқин киши бир кишининг дастурхонида ош ейишимизни ёки қоғозни қиммат баҳода бошқа мамлакатлардан сотиб олиб, бир томонига ёзиб, иккинчи томонидан фойдаланмай ташлаб юборишимизни дунёнинг ҳеч бир ерида тушунтириб бўлмаганидек, бизнинг сувга нисбатан бундай муносабатимизни ҳам тушунтириб бўлмайди.

Дунёда сув муаммосига дуч келмаган мамлакатнинг ўзи йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳар йилнинг 22 мартини бежиз «Бутунжаҳон сув куни» деб белгиламаган. 2005-2015 йиллар «Сув — ҳаёт учун» ўн йиллиги деб эълон қилинган. Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда «Экосан» халқаро ташкилоти Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ҳамда газетамиз таҳририяти билан биргаликда «Сув ва маданият» мавзуида йирик тадбир ўтказди. Мақсад жамоатчилик эътиборини ҳар биримизнинг зиммамизда бўлган муҳим бир ахлоқий бурчга — сувга беэътибор бўлмасликка, уни исроф қилмасликка, сувга нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартириш пайти келганлигига қаратишдир.

Муҳтарам газетхонлар, олим ва мутахассислар, фаол муаллифларимиз бу хайрли ишдан четда қолмайдилар, деб умид қиламиз.

Муҳаррир минбари

ЯНГРА, МУМТОЗ НАВОЛАР!

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Қарши шаҳрининг 2700 ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ режалаштирилган навбатдаги тадбирни ўтказди.

"Мумтоз наволар деб аталган ушбу мусиқий кеча Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда буюк давлат арбоби ва саркарда таваллуд топган Шаҳрисабзда ташкил этилди. Унда маданият ва спорт ишлари вазирлиги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг директори, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов раҳбарлигида бир гуруҳ санъаткорлар иштирок этишди. Ўтказилган тадбир ҳақида таниқли хонанда қуйидагиларни гапириб берди:

— Тадбирнинг "Мумтоз наволар" деб номланиши ва унинг Шаҳрисабзда ўтказилиши бежиз эмас. Тадқиқотчилар, санъатшунослар Соҳибқирон бобомиз қудратли давлат арбоби ва бетакрор саркарда бўлиш баробарида улуғ маданиятпарвар, қадриятпарвар ҳам бўлганлигини такрор ва такрор исботлашган. Миллий мусиқамизга хос ҳақиқий мумтозлик айни Амир Темур даврида янада кучайган, деган фикр-хулоса ҳам олимларимизга тегишли. Шундай экан, Соҳибқирон эъзозлаган, йиллар, асрлар оша тағин ҳам сайқал топган, она юртни, юксак инсоний туйғуларни тараннум этган мумтоз наволарни тарихий саналарни нишонлаш пайтида қуйлаш, улар воситасида улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Мумтоз наволарнинг замондошларимизни, хусусан, ёш авлодни миллий маданий меросимизга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Ю.АВЛОҚУЛОВ

ЯНА УЧРАШГУНЧА...

Наврўз баҳор фаслига янада гўзаллик, латофат бахш этади, фасллар келинчагининг ҳар бир кунини мазмунан бойитади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Халқаро театр кунига бағишланган ана шундай байрамлардан бири бўлиб ўтди. Бу ерга ўзбек театр санъатининг фахрийлари, фидойилари, бугунги заҳматкашлари, бўлажак артистлар ва мухлислар йиғилдилар.

Саҳна очилиб, гримхонада Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов пайдо бўлганда ва саҳна ортидан таниқли санъаткор Ёқуб Аҳмедовнинг театр санъати ҳақидаги қалбларни ларзага солувчи сўзлари янграганда залга сукунат чўкди, кўзларда ёш қалқди...

Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев театр санъатининг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида гапирар экан, саҳна бу соҳа фидойиларнинг, ўз касбига садоқатли кишиларнинг жойи эканлигини алоҳида таъкидлади. Ҳар бир актёр ўз режиссёрини, режиссёр ўз актёрини топиши, улар биргаликда ўз драматурглари билан ишлашлари лозим. Ана шундай ҳамкорликда яратилган ҳар бир спектакл, шубҳасиз, ўз томошабинини топади.

Байрам тадбирида пойтахтимиздаги барча театр жамоаларининг байрам дастурлари намойиш этилди. Анжуман сўнгида яна гримхона, спектаклдан сўнг саҳна либосларини алмаштираётган З.Муҳаммаджонов пайдо бўлганида, залда қайта жонланиш юз берди. Саҳнада барча иштирокчилар жам бўлдилар, томошабинлар улар билан навбатдаги спектаклда учрашгунча хайрлашдилар.

Шу куни театр санъати фахрийларига ҳомийларнинг совға-саломлари улашилди.

"ВАДИ АЛ-ЖАДИД" ТАРОНАЛАРИ

Миср Араб Республикаси миллий фолклори «Вади алжадид»нинг мамлакатимизга илк бор сафари муваффақиятли ўтди. Ўн беш кишилик бу жамоа бир ҳафта мобайнида М.Уйғур номидаги Маданият институти, Давлат консерваториясида, Ислом университети, Шарқшунослик билим юрти ва F.Ғулом номидаги истироҳат боғида бўлиб, ўз концертларини намойиш этди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган концерт дастури аввалида ректор Д.Муродова меҳмонлар учун олийгоҳ бўйлаб экскурсия уюштирди. Улар фақат биноларни кузатибгина қолмай, турли мусиқа мутахассислигидаги машғулотларда ҳам қатнашишди. Ушбу даргоҳ қошидаги лицейнинг «Миллий чолғу асбоблари» кафедраси талабалари эса ўз композицияларидан намуналар ижро этишди. Консерваториянинг овоз ёзиш студияси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг меҳмонларнинг концерт дастури бошланди. Миср чолғу асбоблари сурнай, доира, най, турли кўринишдаги рубоблар ва ноғоранинг жаранги, шунингдек, фолклор усталарининг бежирим либослари томошабинлар диққатини тортди. Машҳур «Отлар ва туялар рақси» барчанинг эътиборини жалб этди. Бу рақс номи рамзий маънони англатиб, раққосларнинг саҳнадаги ҳаракатларини ифодалайди. Ансамбл раҳбари Устоз Муҳаммаднинг айтишича, барча рақс ва концерт чиқишлари мазмуни Миср маданияти ва табиатини англатади.

Таъкидлаш керакки, МАРнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу сафар кутилган самарани берди.

«Вади ал-жадид» 28 март куни пойтахтдаги Миср маданият марказида журналистлар билан матбуот анжумани ўтказди. Унда икки давлат халқларининг маданияти, санъати, халқ ижодиёти, чолғу асбоблари ва улар орасидаги уйғунликлар хусусида гап борди.

Ирина КОВБАС,
санъатшунослик фанлари номзоди

ЁЗУВЧИ ҚАЕРДА ЧЎКАДИ?

Ёпирай, ёзувчилигу китоб чиқариб ном таратишга ишқибоз бунча кўп экан! Лекин, аёнки, адиб аталмоқ учун аввало китоб битмоқ, китоб чиқармоқ учун эса аввало уни ёзмоқ лозим бўлади. Масаланинг шу томони ишкал...

(Эркин Аъзам. «Ёзувчи» ҳикоясидан.)

Ҳабарингиз бор, бугун анча-мунча нашриётга, газета ва журналлар таҳририятига китобхон ёки муштарийлар камдан-кам келади. Аксарият ҳолларда қучоқ-қучоқ қўлёзмалар кўтарган ва ҳаммасида ижодкорлик даъвоси бор одамлар ташриф буюради. «Табиий ҳол-ку!» дерсиз. Бироқ шунча истеъдодлининг ичидан мундайроқ Чехов ёки Қаҳҳор чиқишига умид йўқ-да. «Болалигимдаги ҳавасим эди», «отамнинг орзуси эди», дея шоир ёки адиб бўлиш тўсатдан эсига тушиб, беҳос нашриёт эшигини қоқаётганлар, газета муҳаррирининг бошини қовоқ қилаётганлар шундай қилмаётганлардан ўн чандон кўп эканини яхши биласиз. Шунинг учун ҳам «Ёзувчи»га ўхшаш асарлар дунёга келади. Мана шундан сўнг китобхонлар ўз дардини бор бўйи билан кўради. Дуч келган китобни ўқийверадиган ва, агар у саёз ёзилган бўлса, бутун ижодкор аҳлини ёппасига тергайдиган адабиёт мухлислари тугун қаерда эканини, у қанақа устамонлик билан тугилганини аниқ-равшан кўришади.

Бу маънода зиёлиларга анча енгил. Чунки улар асар савиясини бир қадар фаҳмлай олишади. Бироқ, муаллифни танимайдиган, унинг ҳашамдор китобини қизиқиб сотиб олганлар, агар асар пуч бўлса, нима қилсин?

...Бир куни ёнимга «Замин» радиоси бошловчиси, ижодкор дўстим Абдукарим Мирзаев келди. Саломлашибоқ, «Эркин Аъзамнинг «Ёзувчи»сини ўқидим» деб мақтандим. У эса очиқчасига нолиди. «Сизларга яхши, жўра, катта мактаб ичида юрибсизлар. Янги асарларни чертиб-чертиб ўқийсизлар, мен ишимдан ортиб, буларни топиб-тутгунимча умрим ўтяпти».

Ҳатто шу дўстим ҳам ижодкорлар даврасида юриб яхши, мағзи тўқ асарларга илҳақ.

Муносабат

Кейинги пайтларда ижод масъулияти ҳақида гапириш зарурати яна пайдо бўлди. Ўзи шапалоқдай келадиган газеталарда кўпдан-кўп ҳикоя-ю қиссаларнинг қаторлашиб чиқиши «ҳикоя» ва «қисса» сўзларини жўнлаштириб, бу жанрларда ижод қилишни олма ейишдай жўн иш даражасига яқинлаштириб қўйди. Эътибор берган бўлсангиз, сариқ матбуотда романдан парча берилмайди. Бунда гап романнинг ҳажми катталигида эмас. Ёш «навис»ларнинг роман ёзишга юраги бетламайди ва улар ҳикоя ва қиссани уддаласа бўлади, деган фикрда тап тортмай ёзиб ташлашяпти. Бугун ижод қилиш айримлар учун ишлаб чиқариш атамаси билан алмашди.

Бу мулоҳазаларни айтишимдан мақсад битта. Бугунги ўзбек адабиётининг катта авлод вакиллари ёши улуғ ва қалами ўткир ижодкор сифатида кейинги авлодларга масъул. Агар етук ёзувчилар фақат ўз номи учун меҳнат қилса, қолганларни ким тарбиялайди? Лом-мим демайдиган устознинг ҳунарини фақат кўз зеҳни билан ўрганиш осон эмас.

Дарвоқе, устоз-шогирдлик хусусида.

Икки-уч йил аввал Иқбол ака бир шеър ёзганди:

Оловбола, ўспирин,
Солма менга кўз қирин.
Мана, майдон, ана, йўл,
Кураш, талаш, ўс, урин.
Ёв бошини янчиган
Чўқмор бўлгин, ёй бўлгин,
Чавандоз ва қамчидан
Чўчимасанг, той бўлгин.

Шеърнинг маънисини дарров илғадим. Бу — бизга ўхшаш шогирдлар учун «сабоқ калтаги» эди. Тушунган тушунади — бировнинг этагига осилиб ижодкор бўлиш қийин.

Бугун ҳикоячиликда, умуман, насрий ижоддаги қоришиқ маҳсулотлар тушунган одамнинг тишига тегиши аниқ. Мазаматрасиз ҳикоя сўнгида қаҳрамонни ўлдирмаса, ечим тополмайдиган, гўё шу билан қораламанинг таъсирчанлиги ошади, деб ўйловчи ҳикоя ишлаб чиқарувчиларни дўппининг остига тўплаб, озроқ сабоқ бериш керакмикин.

Яқинда газетамизда Асқад Мухторнинг ҳикматларини эълон қилдик. Унинг пурмаъно мулоҳазалари ичида тўртта сўздан иборат ажойиб фикр эътиборимни тортди. «Ёзувчи саёз жойда чўкади». Мана, ҳамма муаммонинг моҳияти. Ўзига худабеҳуда ёзувчи деб ном қўйиб олаётган одамлар менинг кўзимга худди саёз кўлмакда типирчилаётган ношуд сузувчилар бўлиб кўринади.

Носиржон ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати 2006-2007 ўқув йилига

1999 йили туғилган иқтидорли ўғил-қизларни тасвирий санъат ва мусиқа бўлимларига танлов асосида ўқишга қабул қилади.

Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Аризалар 2006 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

Манзил: 700152. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 1а-уй.

Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182
Троллейбуслар: 12, 13

«Москва остонаси» бекати

Телефонлар: 74-92-21; 74-96-44

БУГУНГИ СОНДА:

ҲАР ҚАЙИМ ИШАКДА ХОТИРАНГ... 3
4 ОДАМ – ОДАМНИНГ САЙҚАЛИ
ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА 5

БИЛДИРИШ

7 апрел, жума куни соат 15.00да Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Тил ва эл» асарида темурийлар давридаги адабий тилимиз муаммоларининг ёритилиши мавзуида китобхонлар конференцияси бўлиб ўтади.

Тадқиқот, ахборот

УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИНИ КИМ БУЗДИРГАН?

Яқинда ўзбек тилида эшиттирадиган чет эл радиоларидан бирида самарқандлик бир олим ҳалигача Улуғбек расадхонаси бузилиб кетган сана аниқланмаган, деб куюниб гапирди. Демак, у «ЎзАС»-нинг 1996 йил 5 апрел сонида «Улуғбек расадхонасининг биз билмаган тарихи» сарлавҳаси остида эълон қилинган мақола мазмунидан бехабар экан. Ҳа, расадхона қачон бузилгани кўпдан олимларимиз учун жумбоқ бўлиб келди, лекин Мутрибий Самарқандийнинг «Нусхайи зебоий Жаҳонгир» тазкираси қўлёзмасининг Англияда сақланувчи нусхаси микрофилми профессор Ашраф Аҳмедов томонидан юртимизга олиб келингач ва олим Исмоил Бекжонов томонидан ўрганилиб, Эронда форс тилида чоп этилгач, шу манба асосида Улуғбек расадхонаси сўнгги тақдирига ҳам аниқлик киритилди. Бу ҳақда И.Бекжоновнинг биз эслатган илмий хабари эълон қилинди.

Қуйида шу манбанинг Улуғбек расадхонасига оид қисмининг тўла таржимаси ҳамда таржимоннинг изоҳи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Мутрибий «Нусхайи зебоий Жаҳонгир» тазкирасини Жаҳонгир бин Акбар бин Ҳумоюн бин Бобур подшоҳга бағишлагани учун унда темурийлар авлодлари ва улар томонидан қилинган хайрли ишлар, уларнинг адабиёт-маданият тарихида қолдирган ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни акс эттиради. Масалан, Гўри Мир, Улуғбек расадхонаси, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси ва Муқаттаъ масжиди, Самарқанд шаҳрида Улуғбек қурдирган Байни тоқайн — рўбару тоқ(дарвоза)лар(уларни Абдулмўъминхон 1598 йили буздириб ташлаган), Гўри Мир ёнидаги Бобур мирзо ҳовузи ёки Шоҳизинда меъморий мажмуасидаги темурийлар хилхонаси ёдгорликлари, Шодмулкхоним кўприги ҳамда Акбар подшо, унинг ўғли Жаҳонгир подшоҳнинг Гўри Мирни таъмирлаш борасидаги ташаббуслари ана шулар жумласидандир. Мутрибий хабарига қараганда, самарқандлик Ҳожи Дўст Муҳаммад Равғангар 977 ҳижрий (1570) йили Акбар подшоҳ ҳузурида бўлганида унга Улуғбек расадхонаси ҳақида ҳам сўзлаб берган. «Абдулланома» муаллифининг ёзишича, Амир Қулбобо Кўкалтош Абдуллахон буйруғига биноан 986 йил рамазон (1578 йил ноябр) ойидан мазкур китобнинг Биринчи мақоласи тугалланаётган 995(1586-1587) йилгача Самарқандда «буюк амир (Темур) ва унинг авлодларидан қолган ҳамда бузилиш ва вайроналикка юз қўйган иморатларни тузатишга тиришқоқлик кўрсатмоқда» экан[1]. Ҳофиз Таниш Бухорий бу пайтда Улуғбек расадхонасининг бузилгани ҳақида бирон сўз айтмайди, аксинча, бундай иморатлар таъмирланаётганини таъкидлайди. Демак, бу даврларда ҳали расадхона сақланиб турган экан. Бизни қизиқтирган мавзу — расадхонанинг қачон бутунлай бузиб ташлангани хабарини эса, «Нусхайи зебоий Жаҳонгир»даги ушбу парча маълумотлари ҳикоя қилади:

«Шуҳратий Миёнколий. Мулло Боқий Гўримирий[2] нисбаси билан танилган. Беқайдлик хислатидан холи эмас эди. Шунинг учун ҳам ўзига Шуҳратий деб тахаллус қўйган эди. Ҳамиша лаванд (бузуқи) ва ҳабиса(ярамас хулқли)лар билан ўтириб-турарди. Самарқанднинг хожа Холдор деган машҳур бир ўспиринига кўнгил берганди. Баҳор кунларининг бирида шу дўсти билан маст ҳолда Самарқанднинг Байни тоқайни ёнидан ўтиб бораётганида кўрдим. Қарасам, дўсти итининг бўйинбоғини ўз бўйнига боғлаб олибди, орқасидан эса хожа Холдор уни шикорчи итдай олдига солиб, гўё овға кетаётгандек бораётир. Шуҳратий маст ҳолатида ушбу байтни айтмоқда эди. Назм:

Саги ту аз ҳама дар олами вафо беҳтар,
Агар саги ту набошим саг зи мо беҳтар.

(Мазмуни: *Вафо оламида итингдир барчадин авлороқ, Итинг бўлмасак агар, ит бўлсин биздан аълороқ.*)

Шуҳратий ўта довюрак ва қўрқмас одам эди. Бир оқшомги ўтиришда хожа Холдор унга:

— Шуҳратий, шаҳид Султон Улуғбек мирзо расадхонаси ичида жуда қўрқинчли бир жой бор, деб эшитаман. Баъзи довюрак одамлар ўша ергача кириб, белги қўйиб чиққанмиш. Сен ҳам мана шу пичоғимни белги сифатида қўйиб чиқа оласанми? — дебди.

Шуҳратий бу сўзни қабул қилиб, дўстининг пичоғини олиб, ярим тунда шаҳар қалъаси деворидан ошиб тушибди ва расадхона ичига кириб, белги қўйиб чиқибди. Бу манзил ичида Шуҳратийнинг жинларни кўргани воқеасини бир бошдан сўзлаб ўтирсак, анча вақтимизни олади. Лекин шунда жин таъсиридан унинг бир кўзи айбли бўлиб қолган эди.

Фақат угина эмас, балки жуда кўп кишилар бундай довюракликка тиришиб, жонларини зоеъ қилдилар. Шулардан бири Фарҳод хабиса бўлиб, у ҳам бир ўтиришда рақиби билан шарт бойлашиб, қўлида қозиқ, расадхонанинг шипига фалак табақалари, иқлимлар сурати чизилган хонасига кирибди ва қозиқни деворга қоқаётиб, билмасдан, тўнининг этагини ҳам қозиққа қўшиб деворга маҳкамлабди. Табиийки, ўрнидан тураётганда кимдир этагидан ушлаб тортаётгандек бўлган, у эса зим-зиё қоронғулик ва ярим тунда, кундузи одамлардан эшитиб юрганим жинлар бўлса керак, деб ўйлаган чоғи, шу заҳотиёқ ўтакаси ёрилиб, жойидаёқ жон берган.

Бунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам Ҳожибий Отолиқ Дўрмон ул ўхшаши йўқ латиф иморатни бузиб ташлаб, ғишт ва бошқа қурилиш анжомларини Шодмулк Оқо кўпригини таъмирлашга ишлаттирди. Бу (Шодмулк) Оқо Амир Ҳожи Сайфиддиннинг заифаларидан бири бўлган. Соҳибқирон (Амир Темур) ҳаёти айёмида Мироншоҳ мирзонинг ўғли Султон Халил унга ошиқ бўлиб қолиб, ҳар хил йўлларни ишга солиб, хотинни қўлга киритибди ва ўз ҳарамига келтирибди. Соҳибқирон бу воқеадан хабар топгач, ул аёлни ўлдирмакка буюрибдилар. Соҳибқироннинг жалила завжаси Маҳдиулё Сароймулкхоним, «Бу аёл Султон Халилдан ҳомила, юки енгиллашгач ўлдиришга амр этсалар, ихтиёрлари», дея арзларига етказибди. Соҳибқирон кўнибдилар. Кўп ўтмай эса, Самарқанд салтанати Султон Халилга муқаррар бўлибди ва бу аёл мулкка



соҳиби ихтиёр чиқиб, тўрт йил давомида бу ўлка унинг ҳукми остида бўлибди, мазкур кўприкни ўша вақтда Кўҳак суви (дарёси) устига қурдирган экан. Кўприк кўп йиллар мобайнида одамларга хизмат қилган. Аммо Султон Саъидхон салтанати[3] замонида ўтиш жойи бўлган тоқининг ўртасидан анча жойи ўпирилиб тушгани ва ҳар икки томонидан бир қарич миқдорда сақланиб қолгани сабабли ҳатто пиёдалар ҳам у ердан минг бир қўрқув билан ўтардилар.

Аммо таажжубга лойиқ бир воқеа содир бўлган эди: Султон Саъидхоннинг тўпчибошиси ва биз номини юқорида тилга олган Мир Тулак[4] ўша ўтар тор жойдан отда ўтган ва бир тўн билан мукофотланган эди.

Ҳожибий Отолиқ Дўрмон (мазкур расадхона ғиштларидан) бу бузилган тоқ ёнига яна бир тоқ қурдирди. Лекин бироз вақтлардан сўнг сув тошқини рўй бериб, уни таг-туги билан қўпориб ташлади. Шодмулк Оқо тоқи эса бугунги бир минг ўттиз олтинчи (1036/1627-1628) йилгача ўз охирги ҳолича сақланиб турибди.

Мулло Шуҳратий охирида тавба қилиб, аҳли аёллик бўлиб ва Миёнколда деҳқончилик ишлари билан шуғулланиб юрарди. Тўққиз юз етмиш иккинчи (972/1565) йили тарқалган ва кўпчиликнинг ёстиғини қуритган вабо қирғинида хотини иккаласи бир кунда ўлиб кетдилар[5]...»

Ҳожибий Отолиқ Дўрмон ким ўзи?

«Абдулланома» муаллифи унинг Дўстой Ҳожи бин Жонвафобий Дўрмоннинг ўғли экани, Абдуллахоннинг Самарқанд, Тошкентни Кўчкинчихон ва Севинчхожахон авлодларидан тортиб олиш ва бошқа қанча урушларда жонбозлик кўрсатганини ёзади. «Мусаххир ил-билод» ва бошқа тарихга оид асарлардан биламизки, амир Жонвафобий Дўрмон Шайбонийхоннинг яқин кишиларидан бўлиб, Шайбонийхон уни 1500 йили Самарқанд, 1507 йил май ойида Ҳирот доруғаси қилиб тайинлайди. Жонвафобий Дўрмон 1510 йил декабрида Марв қамали жангида Шайбонийхон билан бирга сафавийлар томонидан ўлдирилади. Ҳасанхожа Нисорий маълумотига қараганда, унинг ўғли, яъни Ҳожибий Отолиқнинг отаси Шужоиддин Дўстмуҳаммад Дўрмон ҳам шайбоний хон ва султонлари олдида катта эътиборга эга бўлган, икки марта ҳажга борган, аммо мансабга унчалик хуши бўлмаган, шеърлар ёзган. Иккинчи марта 973 ҳижрий (1565) йил ҳажга кетганида «Музаккири аҳбоб»ни ёзаётган Нисорий унинг эсон-омон қайтиб келишини тилайди. Мутрибий «Тазкират уш-шуаро»да Ҳожибий Отолиқ Дўрмонга махсус тўхталиб, шундай ёзади(мазмуни):

«Ҳожибий Отолиқ Дўрмон ўз шеърларида «Ҳожи» тахаллусини қўллайди, аммо асл номи Малик Муҳаммадбий, болалигида отаси билан ҳажга бориб келгани сабабли «Ҳожибий» лақаби билан танилган. Шоирлар ва фозилларга, умуман, барча халойиққа кўп яхшиликлар кўрсатарди. Кўп йиллар жаннатмонанд Самарқанд мулки ҳукуматига мансуб турди. Шаҳид Абдулмўъмин замонида Ҳирот ҳукуматини бошқарди. Ўша ерда қизилбошлар билан бўлган жангда шаҳидлик шарбатини татиди. Камина баъзида Самарқандда ҳузурларига бориб турар, манави сингари мувашшаҳ ғазал ва қасидаларни ўтканриб, қўлларидан от, чакмон, пул ва салла каби иноъомлар олардим».

«Тазкират уш-шуаро»да Ҳожибий Отолиқнинг беш байтлик иккита ғазали ҳавола этилган.

«Нусхайи зебоий Жаҳонгир»нинг бошида Мутрибий Ҳожибий Отолиқ ҳақида қуйидагиларни ҳам ёзиб ўтган:

«Самарқанд аҳолиси... ҳайит ва Наврўз байрамлари... шу майдон (Гўри Мир ёнида) йиғилар эканлар ва бу одат... Ибодулло султон салтанати[6] давригача расм бўлди, Ҳожибий Отолиқнинг Самарқандда ҳокимлиги замонида эса унинг ҳукмига биноан... бу ерда йиғилиш тўхтатиб қўйилди. Сабаби шунда эдики, бу ерга келган оломон одоб деган нарсани унутиб, бўшаниш учун ушбу нурга тўла даҳма устига чиқишни одат қилиб олган, бу ёмон қилиқ мазкур амирни ғазаблантириб, шундай буйруқ чиқарганлар».

«Абдулланома» маълумотига қараганда, Ҳожибий Отолиқ Дўрмон Абдуллахоннинг 1572 йил ёзи ва 1578 йил кузидаги Самарқандга, 1579 йил баҳоридаги Тошкентга юришида қатнашади, у бу урушга Балҳдан чақирилиб, Тошкент қамалида Балх ва унинг атрофларидан келган Абдуллахонга қарашли лашкарга қўмондонлик қилади. Ўша 1579 йил мартида Абдуллахон Тошкент ҳокимлигига акаси Дўстум (Абдулқуддус) султонни ўтқазганда, шу вилоятнинг молиявий ва ҳарбий ишларини бошқариш учун Ҳожибийни Дўстум султонга отолиқ қилиб тайинлайди. Аммо шундан икки ой сўнг — то 1580 йил бошигача Тошкент яна Бобохон бин Наврўз Аҳмадхон қўлига ўтади. Бу ерга ўша йили тағин Дўстум султон қайтиб келганида эса, Ҳожибий Отолиқнинг ҳам Тошкентга келган-келмагани бизга қоронғи. «Мусаххир ил-билод» асарида Самарқанд ҳокими Ибодулло султон ўлими рўй берган 1585 йил сентябрида Ҳожибий Отолиқнинг Самарқанд ҳукуматида девонбеги вазифасини бажараётгани айтилади. Ҳожибий Отолиқнинг Самарқандда шу вилоят ҳокимлигига тайинланиши, афтидан, 1585 йил охирида рўй берган.

«Нусхайи зебоий Жаҳонгир» маълумотларига мурожаат қилиб, амир Ҳожибий Отолиқ ҳаёти сўнгига яна бир бор назар ташлаймиз:

«Дўст Вафобий Отолиқ Дўрмоннинг чиройли зикри. *Амир ул-умаро Ҳожибий Отолиқнинг* етук ўғли. Отасининг улуғворлиги Абдуллахон замони(1561 — 1598 йиллар — **И.Б.**)-да қуёшдек равшан эди. Йигирма беш йил Самарқанд ҳокимлиги мансабига мансуб туриб[7], адолат билан иш юргизди. Фозилларга тарбиятлар кўргазгувчи ва заифларни ҳимоят қилгувчи бўлиб Самарқанд унинг ҳукумати айёмида Мовароуннаҳр шаҳарларининг рашкини келтирадиган жойга айланганди. Абдулмўъминхон замонида(1598 йил — **И.Б.**) Балх вилояти ҳокимлиги мансабига ҳам мансуб турди. Сўнг шу хон замонида Дор ус-салтана Ҳирот ҳукуматини бошқариш даражасигача кўтарилди. Абдулмўъминхон ўлдирилгач (1598 йил август ойи боши — **И.Б.**), Шоҳ Аббоснинг шу шаҳарни истило қилиш пайтидаги жангда ўша вилоятда Динмуҳаммадхон бин Жонихон(аштархоний) билан бирга шаҳид бўлган[8]... Ўғли ушбу 1035 (1627 — **И.Б.**) йили... Бадахшон вилоятининг Қундуз туманида ҳукумат мансабида ўтирибди».

Демак, Ҳожибий Отолиқ Улуғбек расадхонасини 1588 — 1598 йиллар орасида, аниқроғи, 1590 — 1592 йиллари буздирган.

Самарқанд шаҳри ободончилиги учун шунча ишлар қилган ва шоиру олимларга ҳомий бўлган, ўзи ҳам гўзал ғазаллар ёзиб, номи ва отаси номи тазкираларга тушган амир Ҳожибий Отолиқ омий одамларнинг ножўя қилиқларига жаҳл қилмасдан расадхонани буздирмай сақлаши мумкинмиди?

Тўғри, Ҳасанхонжа Нисорий ёзганидек, Улуғбек мирзо ва унинг устозу шогирдлари вафотидан сўнг «ҳеч ким расад боғламоққа муваффақ бўлмаган» ва Мутрибий гувоҳлик беришича, ҳақиқатан ҳам расадхона хароба бир жойга айланиб қолиб, ундан фойдалана олмаганлар. Бундай қараганда, Ҳожибий Отолиқ масаланинг айнан шу томонларини ўйлаб иш кўргандек. Яна савол туғилади: ахир, барибир, ўша 1588 — 1592 йилларгача, яъни 150 йил мобайнида расадхона бузилмай турган-ку! Бу давр оралиғида Самарқандда темурийлардан ташқари ҳар хил — гоҳ оқил, гоҳ инжиқтабиат шайбонийлар ҳам ҳокимлик қилганку? Аммо улар ҳам расадхонани буздирмаганлар. Бу ҳақда бош хон Абдуллахоннинг ҳам буйруғи бўлмаганини юқорида кўрдик, бор бўлса, Ҳофиз Таниш Бухорий ва Мутрибий бирор баҳона билан ёзган бўлардилар. Демак, Ҳожибий Отолиқнинг бу ишини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди. Ахир, кўприк таъмири шу ғиштларга қараб қолганмиди? Нима, Улуғбек мирзонинг аччиқ қисматига ўхшаб, бу ҳам бир тақдирнинг илм-фан, маданият аҳлига берган оғир зарбаси ва қаттиқ синовими? Ёки Беруний бобомиз минг йил олдин бутун бир рисолани бағишлаган Бомиён тоғидаги Будда ҳайкалининг жоҳиллар томонидан яксон этилиши каби башариятни огоҳлантиришими? Билмадим, аммо, ҳар ҳолда, расадхона сақланиб қолганда, ушбу мустақил замонамизда бизга яна бир бор ифтихор ва илҳом туйғусини бағишлаши шубҳасиз эди.

Исмоил БЕКЖОН

---

1. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдулланома». Тошкент, «Шарқ», 1999, 316-бет. (Бу асарнинг биринчи таҳрири 1584 йил баҳорида илгари ёзилган қоралама асосида бошланиб, 1583 йил воқеаларини ўз ичига олган шаклда ўша йил охирида тугалланган, иккинчи таҳрири 1586-87 йил, учинчи, яъни охиргиси 1589 йили тугалланган.)

2. Гўри Мир (Гўри амир) мақбараси хизматчи-ходимлари ёки шу маҳаллада яшовчиларга бериладиган нисба.

3. Бу шайбонийнинг бобоси Кўчкинчихоннинг онаси Робия Султонбегим Улуғбек мирзонинг қизи бўлган. Султон Саъид султон 1551, 1557 — 1572 йиллари Самарқандда хонлик қилган.

4. Мир Тулакнинг 1568 йили ўзи тўпга солган ўқдан ҳалок бўлиши воқеаси тазкиранинг «Акбар подшоҳ» бобида келган. Бу санада ҳам расадхона бус-бутун сақланиб турганига Мутрибийнинг ўзи гувоҳлик беради.

5. Мутрибий бу ерда санани янглиш кўрсатмоқда, чунки у «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»нинг мавлоно Кўдакий Ромитанийга бағишланган қисмида Шуҳратийни 1013 (1604) йили самарқандда кўрганини ёзади, «Тазкират уш-шуаро» маълумотларидан эса, айнан шу учрашувнинг 1604 йилдан бир неча йил олдин рўй бергани англашилади. Қолаверса, 1565 йили Мутрибий 9 яшар бола бўлган, Шуҳратийни мазкур дўсти билан кўргани воқеаси эса ундан ҳам олдинроқ рўй бергани ҳамда у Шуҳратий билан боғлиқ ҳодисаларни катта ёшдаги одам нигоҳи билан ҳикоя қилади.

6. Ибодулло султон Самарқандда 1578 йил ноябридан то ўзининг яқин амирларидан бири томонидан ўлдирилган 1585 йил август — сентябригача ҳокимлик қилган.

7. Ҳожибий Отолиқнинг Самарқандда 25 йил ҳокимлик қилгани ҳақиқатга сира тўғри келмайди, балки Мутрибий унинг Балх, Тошкент ва Ҳирот ҳукуматидаги фаолиятларини ҳам назарда тутаётгандир.

8. Абдулмўъминхон ўлдирилгач, унга қариндош, аммо аштархонийлар хонадонига мансуб султон Динмуҳаммад 1598 йил август-сентябрида ўзи турган Зобулистондан Ҳирот сари отланади, яқиндагина Ҳирот ҳокимлигига тайинланган Ҳожибий Отолиқ Дўрмон унга дарвозани очиб беради, Динмуҳаммад Ҳиротда хонлик эълон қилиб, унга бобоси Ёрмуҳаммадхонни ўтқазади(Бухорода бош хонлик тахтига охирги шайбоний Пирмуҳаммадхон ўтирган эди). 1599 йил июнида Шоҳ Аббос Ҳиротни олиш учун юриш бошлаб, ўша йилнинг 28 июлида Ҳиротдан тўрт фарсаҳ узоқликда жойлашган Пули солор мавзеига келиб тушади ва 29 июл куни Динмуҳаммадхон қўшини билан жангга киришади, шу урушда Динмуҳаммадхоннинг ўзи ва 4000 кишиси ҳалок бўлади, улар орасида Ҳожибий Отолиқ Дўрмон ҳам бор эди.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ



Бешафқат ўлим Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевни орамиздан олиб кетди. Нормурод Нарзуллаев 1934 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Хўжаҳайрон қишлоғида туғилди. Аввал Қарши педагогика билим юртида, кейин Самарқанд давлат педагогика институтида таҳсил олди. Ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда бошлади. Самарқанд ва Қашқадарё вилояти газеталарида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб бўлиб ишлади.

Нормурод Нарзуллаев 1976 — 1981 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари, 1981 йилдан умрининг охирига қадар «Янги аср авлоди» нашриётининг бош муҳаррири сифатида фаолият олиб борди. У сермаҳсул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг дастлабки шеърий тўплами «Суюнчи» номи билан 1965 йилда босилди. Қирқ йиллик ижодий фаолияти мобайнида «Сизни Ватан эркалар», «Меҳр чашмаси», «Зарафшон зарлари», «Уфқларда кўзларим», «Ёғду», «Севги сеҳри», «Тонг элчиси» каби йигирмадан зиёд шеърий тўплами, икки жилдлик сайланма асарлари, дунё адабиётининг Г.Гейне, Е.Евтушенко, Қ.Қулиев, И.Юсупов сингари таниқли намояндалари асарларидан қилган таржималари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. Шоирнинг шеърлари рус, немис, инглиз, ҳинд ва жаҳоннинг бошқа кўпгина тилларига таржима қилинган.

Нормурод Нарзуллаев драматург ва киносценарист сифатида ҳам самарали ижод қилди. Айниқса, қўшиқчи шоир сифатида шуҳрат қозонди. Унинг мустақиллик йилларидаги ижоди, истиқлолимизни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлари халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди.

Нормурод Нарзуллаевнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Унга 1998 йилда «Шуҳрат» медали, 2000 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони берилди.

Таниқли шоир, моҳир ташкилотчи, таржимон ва муҳаррир, самимий инсон ва садоқатли дўст Нормурод Нарзуллаев хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази

ЯХШИЛИК КУЙЧИСИ ЭДИ

Нормурод ака билан салкам ўттиз йиллик қадрдон эдик. Узоқ йиллар ёшлар нашриётида бирга ишладик. Қашқадарё чўлларини, водий боғларини бирга кездик, бирга учрашувлар, шеърхонлик кечалари ўтказдик, дўстқадрдонларнинг давраларида ёнма-ён ўтирдик. Нормурод ака туфайли кўплаб садоқатли дўстлар орттирдим. Қашқадарёда биз бормаган, туз тотмаган жой қолмади ҳисоб.

Нормурод ака бутун вужуди билан шоир эди. У ҳаётга, одамларга, атрофида кечаётган воқеаларга ҳам шоир кўзи билан қарарди. Бирор нима ўхшамай қолса «Ҳа энди, шоирчилик-да» дейдиган ажиб бир лутфи бор эди. Гоҳо турмушнинг ногаҳоний тўлқинларига дуч келиб, титраб турганида ҳам бу тўғрида оғиз очмас, бордию сиз оғиз очиб қолсангиз, сўзингизни кескин бўлиб, ҳарорат ва ҳаяжон билан шеър ўқий бошларди. Шундай ўқирдики, меъёридан ортиқ даражада жўшиб кетарди, соғлиғи қандайлигини билган биз жўралари ҳай-ҳайлашга ҳам мажбур бўлардик.

Нормурод аканинг шеърлари фавқулодда равон ва соддалиги билан ажралиб турарди. Бир қарашда, жиддий ёки мураккаб фалсафаси йўқдай, аммо юракка яқин, худдики сизнинг ҳам тилингизнинг учида турган, сиз ҳам айтмоқчи бўлган фикрлар эди. Энг муҳими, бир-икки эшитсангиз бас, ёдлаб олардингиз. Ёдлашга уринмасангиз ҳам шундай бўларди. У кишининг қўшиққа айланган неча юзлаб шеърларини бир мен эмас, жуда кўплаб мухлислар, адабиётчи бўлмаган бошқа касб эгалари ҳам ёд билишади.

Нормурод аканинг уйи санъаткорлар билан ҳамиша гавжум бўларди. Бўш вақтларини бастакор дўстлари даврасида ўтказарди. Катта, таниқли ҳофизлардан тортиб, саҳна юзини энди-энди кўраётган ҳаваскор ижрочиларгача у кишидан бирор нима ундириш илинжида йўл пойлашарди. Машҳур «Ялла» қўшиғи шундай илтимос натижасида юзага келганига гувоҳман.

Нормурод ака қўшиқ билан нафас оларди. Яхши қўшиқ ҳаётининг мазмуни эди. Телевидение ёки радиода қўшиқлари янграб қолса, худди боладай қувониб кетарди. Аммо ҳаёти фақат қўшиқдан иборат бўлмади. Инсон зоти борки, ҳар биримизнинг белимизга, қуш бўлиб учиб кетмаслигимиз учунми, катта-кичик, кўринар-кўринмас ташвиш халтачалари осиб қўйилган. Бу «таомил»дан у киши ҳам четда қолмаганди...

Нормурод ака умрининг охиригача элим деб, халқим деб куйлади, ҳамма билан дўст-қадрдон бўлиб яшади. Уларга яхшилик қилишдан чарчамади. Вужуди ҳаловатталаб бўлишига қарамай, ҳаловат нималигини билмади, чарчамади, маданиятимизга, санъатимизга хизмат қилди. Энг сўнгги дақиқаларгача шундай бўлди.

Куни кеча бирга эдик, ижодий ҳамкорлик режаларини тузаётгандик. Янги қўшиқ туғилаётган эди. «Янги аср авлоди»да ёш ижодкорларга бағишланган бир тўплам тузаётгандик. Бугун эса...

Охиратингиз обод бўлсин, яхшилик куйчиси.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Журналларни варақлаганда...

"Жаҳон адабиёти" журналининг 2006 йил январ ва феврал ойлари сонлари нашрдан чиқди

Янги йилнинг илк сонларида севимли нашримиз муқовасидаги ўзгариш дарҳол эътиборни тортади. Журнал муқовасининг диққатни жалб этадиган тарзда безалгани, шубҳасиз, муштарийларга жуда маъқул тушади.

"Жаҳон адабиёти"нинг илк сони атоқли рус шоири Андрей Вознесенскийнинг бадиалари билан очилган. Бадиалар муаллифнинг устози, Нобел мукофоти совриндори Пастернак, испан шоири Лорка ҳамда машҳур раққоса Майя Плисецкаяга бағишланган. Бадиаларни Сирожиддин Саййид таржима қилган.

Инглиз адабиётининг йирик намояндаси Сомерсет Моэмнинг "Ой ва сариқ чақа" романи (Раҳматилла Иноғомов таржимаси) журналнинг ушбу сонларида эълон қилинган. Наср ихлосмандлари, шунингдек, Эрон ёзувчиларининг ҳикоялари (Озод Шарафиддинов таржималари), таниқли ёзувчимиз Эркин Аъзамнинг "Сув ёқалаб" номли киноқиссаси билан танишадилар.

"Шеърият минтақалари" рукнида Фирдавсий "Шоҳнома"сидан "Ҳофиз Борбад қиссаси"ни Жуманиёз Жабборов таржимасида, олмониялик машҳур шоир Эва Штриттматтер ижодидан намуналарни Садриддин Салим Бухорий таржимасида ўқийсиз. Улуғ инглиз шоири Перси Биши Шеллининг даъваткор шеърлари (таржимон Азиз Абдураззоқ) ва Иван Буковчаннинг "Қотил юраги" пиесаси (таржимон Шароф Бошбеков) журналнинг феврал ойи сони мундарижасини бойитган. Дарвоқе, ушбу сонда "Навоийхонлик" рукнида машҳур шарқшунос олимлар Н.Н.Конраднинг "Ренессанс ва Навоий", Е.Э.Бертелснинг "Навоий ва Шарқ адабиёти" тадқиқотлари таржимаси эълон этилгани ғоятда эътиборли иш бўлган.

Умуман, журналнинг мазкур сонларидаги мозийга оид, шунингдек, фалсафа, маданият ва санъат муаммоларига бағишланган материаллар салмоғи анча залворли. Бу жиҳатдан, январ сонида берилган Гегелнинг "Гўзаллик ва бадиий ижод" асари, Ҳусайн Борганнинг "Аҳмад Мидҳат ва Итилбўйи туркий қавмлари", Соҳибқирон Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари, "Бобурхонлик" рукнидаги Қ.Кенжа ва Ҳ.Қудратуллаевнинг, В.Буров ҳамда В.Федотованинг Хитойдаги ислоҳотлар таҳлилига бағишланган мақолаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур материаллар журнал мундарижаси салмоғини ошириш билан бирга, унга ранг-баранглик ҳам бағишлаган. Саргузашт адабиёти мухлисларига журналнинг ушбу сонларида Торн Смитнинг "Миллионер ва жодугар ойимча" романи туҳфа этилган. Романни атоқли мутаржим Қодир Мирмуҳаммедов таржима қилган.

Юқорида баён этганимиз — "Жаҳон адабиёти" журналининг янги йилдаги илк сонларига доир мухтасар маълумотдан мазкур нашр ҳам безалиши, ҳам мазмунмундарижасига кўра такомиллашиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

СЎЗЛАЁТГАН ТАҚВИМ

Санъат юксак қадрланадиган мамлакатларда азалдан маданий бойликлардан кишиларни кўпроқ баҳраманд этишга ҳаракат қилинади. Бунинг хилма-хил йўллари, усуллари излаб топилади. Жумладан, маҳсулот, хизматлар рекламасига албатта санъат асарлари «қўшилади». Чунончи, турли янги ювиш воситалари, маиший техника ускуналари Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэл, Пикассо каби рассомлар картиналари «ичи»да кўрсатилади. Фан-техника янгиликлари қанчалик фойдали, ғаройиб бўлмасин, улар инсониятга санъат асаричалик самара келтирмаслиги шу тарзда таъкидланади. Санъатнинг бу даражада қадрланиши унинг одамларга ҳамма нарсадан кўра кўпроқ руҳий таъсир кўрсатиши, уларни маънавий озиқлантириши билан белгиланади.

Машҳур ўзбек рассоми Рўзи Чориев асарлари ҳам шундай таъсир қувватига эга бўлгани боис унинг портрет, пейзажлари катта ҳамда кичик ҳажмдаги тақвим шаклида чоп этилди. Мазкур тақвимдан рассомнинг жамоатчилик эътиборини тортган 8 та портрети ва 4 та пейзажи ўрин олган. Улар ранглари-нинг тиниқлиги, чизгиларининг аниқлиги билан худди жонлидай туюлади. «Зебо Ғаниева», «Юлдуз Тўраева» портретлари аёл нафосатининг гўзал манзараси бўлиб кўринса, «Сайроблик чол», «Эломонов портрети» ҳаёт машақкатлари, инсон умрининг ўткинчилиги ҳақида ўйга толдиради. «Франциянинг биринчи элчиси», «Ёш физик», «Актёр портрети»да ёшлик шижоати ранглар «тили»да куйланади. «Март», «Ўтлоқда», «Сирен», «Пахта» пейзажлари серқуёш Ўзбекистоннинг саховатли заминидаги таровати ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу тақвим-албом дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади. Унинг саҳифаларида ўзбек рассоми серқуёш юрт замини ва унинг меҳнаткаш, бағрикенг одамлари ҳақида жўшиб «сўзлаб» туради. Ўзбек санъатига эътибор ва эътироф рамзи бўлган ушбу тақвим-албомдаги кунлар, ҳафта, ойларни кўраётганда турли қитъалардаги кишилар ундаги суратлардан бир дунё завқ оладди. Бу эътибор, эътироф эса ҳаммамизнинг қалбимизни қувончга тўлдиради.

Абдулла УЛУҒОВ

Яшаётган сатрлар

ҲАР ҚАТИМ ИПАКДА ХОТИРАНГ...

Мукаррама МУРОДОВА

Қизлар ўтиб боради, бири биридан сулув,
Қизлар ўтиб боради, кўнглимга ташлаб ғулу.

Ана бу кийик кўзли қиз жуда қўҳли экан,
Қўрқаман, сенинг кўзинг унга тушмаганмикан?

Ширмой юзга седона бунисин қора холи,
Ишқилиб, шу холига учмаганми хаёлинг?

Зимдан боққандай бўлдинг сочин қўнғироғига,
Илиниб қолмасайдинг бир куни қармоғига?

Қизлар ўтиб боради, бири биридан сулув,
Қизлар ўтиб боради, кўнглимга ташлаб ғулу.

* * *

Мен сени хаёлдан қувиб юборгум,
Аксингни юракдан ювиб юборгум.

Мабодо, ўзимнинг қурбим етмаса,
Бировнинг меҳрига кўмиб юборгум.

БАЛИҚ БАХТИ

Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир сассиқ ҳовуз деб билар дунёни.

Абдулла ОРИПОВ

Ҳовузларда яшамоқ ҳам — бахт,
Чор атрофда — имконлар гули.
Ҳовузларда яшамоқ — даҳшат,
Ҳар тарафдан кесилгай йўли.

Денгизларда яшамоқ даҳшат,
Унда бисёр наҳанг, тўфонлар.
Денгизларда яшаб ўтмоқ — бахт,
Ўшаларга бас келса агар.

* * *

Мен ўйлардим, дуч келсак агар
Ўзлигимни йўқотгум тамом.
Пешонамдан тер чиқиб ғар-ғар,
Қўл-оёқда қолмайди дармон.

Ўйлардимки, ўшал ҳисларим
Ғуруримни кеттуси топтаб.
Тўлқинланиб, тинган кўзларим —
Боқармикан ҳолингни сўраб?!

Ўйлардиму қўрқиб юрардим.
Биз дуч келдик, тамом ўзга фол:
Бу не бахтки, бу не толеки,
Сенда кечди менда кутган ҳол!

* * *

Кўчада кўринсанг, уйга қочардим.
Даврадан чиқардим қизлар эслатса.
Тикаётган каштамдан-қу воз кечардим,
Ҳар қатим ипакда хотиранг ётса.

Тушимга кирсанг гар ухламас эдим,
Эслатса, боқмасдим рубоб, найларга!
Не қилай? Не қилай, қийналиб кетдим —
Юрагимни ташлаб қочай қайларга?!

ТИЛАК

«Ёнма-ён» туркумидан

Ийманма, азизим, эркин тут ўзни,
Кўнглинг не тусаса, айттин тортинмай.
Хаёлдан липиллаб ўтган ҳар сўзинг —
Ижроси учун жон-жаҳоним тутай.

Юз жафо қидириб битта дардингга,
Минг табиб гапига қўяман ихлос.
Умидвор бош қўйиб оёқларингга,
Илтижо қиламан:
«Дарддан эт халос».

Кафтингда кўтариб юрмоқчи эдинг,
Юрганим яхши-ку ёнингда бирга.
Орзулар юзага чиқса ҳам секин,
Соғ, қўша ўтсак бас бутун умрга.

* * *

Айб эмас, олима бўлмаса аёл,
Айб эмас, ижоди топмаса камол.
Аммо бекалик ва оналикни —
Уддалай олмаса, кечирилмас ҳол!

БИЗГА ҲАВАС ҚИЛАР ЯХШИЛАР

Аҳмад ҲАСАН

ЎЙЛАР

Инжа ҳисларимни совурдим елга,
Лойлардан излангиз синиқларини.
Фано оламида йиққаним улар,
Ахтаринг, топасиз тиниқларини.

Ҳисларга ялиндим: тарк этманг мени!
Жавоблари бўлди — ёшлигингта қайт.
Олам ибтидоси борки, бу жумбоқ
Башар фарзандини қийнайди фақат.

Ёшликни асраган — бахтнинг соҳиби,
Ошиқлик — муқаддас, бўса — муқаддас.
На илож! Мўъжиза юз берса қани!
Кошкийди ғам-ғусса бўлсайди абас!

Чала қолар орзу, ярим-ёрти бахт,
Фикр сарҳадлари бунчалар олис!
Бола Алишерни лол қилса Аттор1*
Мени хароб қилди жувонмарг бир ҳис.

Тахайюл измига аста бўйсуниб,
Ҳар битта нуқтадан ахтардим мазмун.
Кўнглимга ширин бир истакни туйсам,
Жилва қилди орзу, келажак шу кун.

Даъвати кўп оғир дорилфанонинг,
Одамга одамдай яшамоқ матлаб.
Отамсан, онамсан, эй, мунис ҳаёт!
Умр якун топар шаънингни мақтаб!

ҲАСАД УРУҒИ

Тўхтанг бир пас, фарзона инсон,
Ширин-шакар сўзлар ғанимат.
Бу омонат тириклик учун —
Очиқ турган кўзлар ғанимат.
Сизнинг дилбар суҳбатингиздан
Очилади боғларимда гул.
Оша борар ҳаётта меҳрим,
Яйраб-яшнаб кетади кўнгил.
Табибимсиз — ғамимга малҳам,
Бағрим сизга очилдастурхон.
Иккимизга ҳавас қилгудек,
Мўйсафид ер, мўйсафид осмон.
Бу оламнинг рангларин бузиб,
Қора рангта бўёвчилар бор.
Шу боиски нуқрадек осмон
Муҳаббатта ташна, интизор.
Бизга ҳавас қилар яхшилар,
Лекин кимдир излар баҳона.
Ўртамизни чангалзор қилиб,
Иғво дўкон қурар пинҳона.

ОРЗУ

Гуллаб ётган дарахт бўлса бахт,
Соясида кўнгил хушласанг.
Қиз сочидай узун бўлса бахт,
Даврон суриб мангу қишласанг.

Дунё ташвишларин унутсанг,
Сеҳрласа иссиқ бир оғуш.
Ишқ пирининг этагин тутсанг,
Ҳар кеч кўрсанг ширин-ширин туш.

Толеинг ҳам ярақлаб кетиб,
Шуълалардан эма олсанг нур.
Дил кўзлаган мақсадга етиб,
Ҳаётингда топардинг ҳузур.

ТОРТИҚ

Сизга қандай бўлишиб берай,
Ўзимга етмаган меҳрни?
Азобдан қутулардим олсангиз,
Виждонни қийнаган қаҳрни.

**Ҳазрат Навоий болалигида Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» рисоласини ўқиб, хаёлчан бўлиб юрганига ишора.*

Бу хаёл ҳурнинг хаёли...

Миразиз АЪЗАМ

Бобур ғазалига мухаммас

Мен ҳаётим камандини ҳар нечаки таранг тортсам
Гоҳ у ёнга қулайдир, гоҳ бу ёнга, очиғин айтсам.
Хотирамнинг қаърида ухлаб ётар бахтли кечам,
Не ҳуш бўлгайки бир кун уйқулуқ бахтимни уйғотсам,
Кечалар тори мўйидек белига чирмашиб ётсам.

Қанийди бир топиб имкон ўзум ўзлукни ёд этсам,
На бўлди менга бундоқ деб басир кўзлукни ёд этсам,
Гаҳи сўксам ўзумни, ёшлигим — бўзлукни ёд этсам,
Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни ёд этсам,
Гаҳи шаккар каби ул юзи гулнинг лаълидан тотсам.

Қани улвий у ҳикматлар, кўнгул бир оз ўрганса,
Ичимнинг бор йўғин англатурлик соз ўрганса,
У ўрганса, бу ўрганса, ҳамадан боз ўрганса,
Қани Ширин била Лайлики, сендан ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларга ишқ ўргатсам.

Хотиротим ели эсса, тоғ эриб қум каби бўлгай,
Тоғ начук қум каби бўлгай,
маним кўнглум каби бўлгай,
Бамисли ичига бир ўт қамалгон ҳум каби бўлгай...
Ёруқ кундуз, қоронғу кечада анжум каби бўлгай,
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул ўтини тутратсам.

Басе, оламда сен бор-қу, нечун бундоқ кўзи намлик,
Шукур Оллоҳга хушдур, келтирар хотири жамлиқ,
Шукур қил, Миразиз Аъзам,
сезарсан дилда бардамлиқ.
Кўзум равшанлиғида бўлгай, эй Бобур, басе камлиқ,
Агар қоши билан юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

Дил қувонган чоғи эрди...

Дил қувонган чоғи эрди, энг қувонган чоғи, энг...
Бу қувончнинг вазни-тоши эрди Тангритоққа тенг.

Бир кичик қиз келган эрди чунки шу чоғ кўнглима,
Гавдаланган эрди оппоқ елкасида митти менг.

Бу хаёл ҳурнинг хаёли, бу хаёл келган маҳал
Бир катакдай супта қулбам кўк мисоли бўлди кенг.

Мен учиб кетдим самога ул пари-пайкар билан
Ҳилпирарди ул ҳарир кўйлак, этаклар, икки енг.

Бир маҳал келдим ҳушимга севгилимнинг товшидан.
Дер эди: «Тонги таом қилдим ажойиб, битта енг...»

Бир тарафда хом хаёллар, бир тарафда рост ҳаёт,
Эркни истаб бир умр, денг, ҳа, яшаймиз, балли, денг.

Қарашлари

Қарашлари обод қилар вайроналарни,
Чаманзорга айлантирар сардобаларни.

Одимлари зирқиратар ернинг қалбини,
Жинни қилар мен сингари девоналарни.

Лаҳжалари туркий лаҳжа — хоразмчадир,
Эсга солар маликалар, кошоналарни.

Кулишлари ой сингари майин ва латиф,
Ёруғликка айлантирар тимқораларни.

Йиғлашлари — боши эгик — дурларин тўкиб,
Отлантирар қурашларга мардоналарни.

Миразиз-қу шу ярамас муштдай қизни деб
Унутворди дунёдаги жононаларни.

БОЛАЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Китобингизни ўқидим

Ҳар қайси давр ўз адабиётини яратгани каби, ҳар бир ёзувчи ҳам ўз ижоди билан муайян даврга мансубдир. Шу маънода, Миразиз Аъзам халқ ҳаётининг маълум даврида болалар оламини ўзича кашф этган шоир. У булоқ сувидек тоза ва мафтункор, сир-синоатларга бой болалик дунёсининг бошқалар илғамаган нозик қирраларини очиб берди. Бу ютуқ шоир ижодининг илк намуналаридан бошлаб сўнгги даврларгача яратган сара асарлари жамланган «Сайланма»-сининг (Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005) етакчи хусусиятидир.

Шоир илк шеърларидан бири «Ғалати туш»да таъсирчан воқеани содда тилда бадиий гавдалантирган. Шеър сюжети болаларни қизиқтирадиган юмористик воқеа асосига қурилган.

Жуда-жуда сип-силлиқ
Мактаб девори.
Кўрсанг, тутиб қолади
Расм чизиш хумори.

Дарвоқе, сип-силлиқ девору парталарга расм чизиб, таассуротларини намойиш қилишга уриниш болага хос одат. «Ғалати туш» шеърида шоир деворга мушук билан қўғирчоқ расмини чизган боланинг ички кечинмаларини туш детали орқали саргузашт жанрига мос тарзда очган. Тушда Мушук билан Қўғирчоқ жонланиб, болани таъқиб этишади: шўрвасини ичиб қўйишади, ўрнига ётиб олишади, трамвайда жарима тўлашга мажбур қилишади, синфда эса болаларнинг кулгисига қолдиришади. Бола ножоиз ҳаракатидан хижолат чекиб изза бўлади, бироқ кўзини очса кечмишлари — туш!.. Шоир деворга расм чизиш ёмон одат, деган маънода насиҳат қилмайди. Лекин шеърни ўқиган болалар ундаги саргузаштдан, албатта, ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади.

Миразиз Аъзамнинг болалар учун яратган асарларида поэтик мазмуннинг фалсафий мушоҳадаларга уйғунлиги етакчилик қилади. Бу хусусият шоирнинг олтмишинчи йилларда Ғафур Ғуломнинг «Буни топинг, қизларим» шеърига ўхшатма тарзда яратган «Яшанг, деймиз, бобо», «Булут бўлиб қоламан», «Бирники мингга» каби шеърларидаёқ бўй кўрсата бошлаганди. Кейинчалик айни шу фазилатлар унинг ижодида асосий тамойилга айлана борди. Масалан, «Бўталоқнинг ўркачи нима учун қўшалоқ» шеърида шоир ўқувчи диққатини унга таниш, лекин сабабини ўйлаб кўрмаган манзарага тортади. Шеърдаги талқинга кўра, Бўталоқ ухлаб ётганида елкасига олма тушиб кетган ва шу сабабдан унинг ўркачи қўшалоқ бўлиб қолган экан. Киноядга йўғрилган бу беозор «ёлғон»га — шоир «изоҳ»ига ўқувчи қўшилади. Китобхонни ўз сўзига ишонтириш эса ижодкорнинг маҳоратидан далолатдир.

«Кун ва тун» шеърида шоир кун билан тунни иккита саро пардага ўхшатади ва уларнинг алмашиш жараёнини «оқ парда», «қора парда», деб атайди. Бу ўхшатишда «тун ўз пардасини ёйди», деган халқона иборанинг поэтик ифодасини кузатамиз. «Ер айланади» шеърида эса, табиат қонуниятлари билан инсон ҳаёти бир бутун ҳодиса эканлиги болалар фикру хаёлига мос тарзда бадиийлаштирилган.

Мева пишар бир кун ногаҳон,
Аста-аста ер айланади.
Ўзлигини танир ҳар инсон,
Аста-аста ер айланади.

«Туман», «Жимжитлик» шеърларида табиат манзаралари жонлантирилиб, муҳим ҳаётий мазмун илгари сурилади. Ҳар иккала шеърда туман билан жимжитликнинг ўзига хос бадиий образини яратар экан, шоир шеърлар якунида офтоб чиқиши билан туман тарқаши-ю, хўроз қичқириши билан жимжитликнинг барҳам топиб, тонгнинг ёришиши хусусида ҳаётбахш хулоса чиқаради.

«Сайланма»даги яна бир «Китоб нима десалар...» номли шеър ҳам оригинал поэтик мазмунга эга. Лирик қаҳрамон китобнинг офтоб ёки конга қиёсланишига эътироз билдиради. Негаки, офтоб кечаси кўринмайди, китоб эса кечаю кундуз мавжуд. Кон бир кун келиб тамом бўлади, китобнинг ўқиган сари маъноси очилиб бораверади. Лирик қаҳрамон китобни одамга ўхшатади, яъни у энг яқин дўст, қалби бутун ҳамроҳ.

Китоб қалин оғайним,
Дардлашаман секин, жим.
Гапига қулоқ солсам,
Кўринар бутун олам.

Шоирнинг «Бир чўнтак ёнғоқ» шеърий туркуми мазмунан теранлиги билан ажралиб туради. Мазкур туркумдаги шеърлар ўз вақтида адабий жамоатчиликнинг назарига тушиб, ижобий баҳоланган эди. Шеърларда шоир ёнғоқ таърифи орқали одамларга хос турфа феъл-атвор, маънавий олами ҳақида сўз очади. Чунончи, пуч ёнғоқ «шалдур-шулдир» қилгани билан тўқ ёнғоқ бўлолмаслиги, тош ёнғоқнинг чақилиши қийинлиги-ю мағзи камлиги мисоли орқали инсонларга хос фазилату иллатларга ишора этилади. Мағзи тўқ ёнғоқ ой-ю офтобга, «мияли коптоқ»ка қиёсланади. Бу қиёсларга ҳаётга муҳаббат, ақл-идрок ва билимларни эгаллаш кучли рағбат уйғотадиган мазмун сингдирилган.

Миразиз Аъзам ижодида муайян мавзудаги шеърга, орадан маълум вақт ўтгач, қайта мурожаат қилиш тажрибаси ҳам учрайди. Бу жиҳатдан шоирнинг етмишинчи йилларда ёзган «Кўзлари хаёлга толган бола» ва унинг мантиқий давоми сифатида тўқсонинчи йилларда яратилган «Тарих» номли шеърлари характерлидир. Биринчи шеърда ўзи нимжон, ориқ бўлса ҳам ҳақиқатга интилган, мард ва курашчан бўлишни орзу қилган кичик қаҳрамон тимсоли яратилган бўлса, орадан йигирма йил ўтгандан сўнг бу болакайнинг йўғон тортиб, кўзини ёғ босгани, ҳатто ҳақиқатпарастларга қарши курашиб, ўз орзу ўйларига хиёнат қилган гумроҳ кимсага айлангани афсус, ачиниш билан тасвирланади.

Миразиз Аъзамнинг «Сайланма»сидан замонавий болалар достончилигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган «Ақлли болалар», «Ўлмас қуш афсонаси», «Она юрт осмонида», «Антиқа», шунингдек, «Бухорий дарси», «Қардошлик йилларда», «Улуғбек ва ўғли Абдурраҳмон» сингари мактаб саҳналаридан тушмай келаётган асарлари ҳам жой олган. М.Аъзам ижодидан намуналар рус, немис, украин, латиш, молдаван, қозоқ, қирғиз тилларига таржима қилинган. Г.Х.Андерсен, Ж.Родари, С.Михалков, С.Я.Маршак каби жаҳон болалар адабиёти классикларининг айрим асарлари М.Аъзам таржимаси ва талқинида ёш китобхонларнинг маънавий мулкига айланган.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи томонидан чоп этилган ушбу «Сайланма» ёш китобхонлар учун муносиб совға бўлганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардик.

Сафо МАТЧОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
Курдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди

"Ҳидоят" журналининг навбатдаги сони Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъатининг "Хайрли ишларга шошилайлик" даъвати билан очилади.

Журнал саҳифаларида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти проректори Абдураҳмон Ғафуровнинг "Мўмин виқорли бўлади", Баҳодир Нурмуҳаммаднинг «Нега "Андоғдурким..." деймиз?", Тўхтахон Даврониванинг "Совға улашишни қизлардан бошланг", Аҳмад Муҳаммаднинг "Уммон султонлиги", Жалолиддин Аҳмедовнинг «Мусулмонларга бошпана берган насроний шоҳ", профессор Олимжон Саҳобовнинг «Ақсо масжидига зиёрат" сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Қуйида биз "Ҳидоят"нинг ушбу сонида эълон қилинган Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Қалб ажойиботлари китоби"дан олинган парчани Маъруфхон Мирмаҳмуд ўғли таржимасида эълон қилмоқдамиз.

ҚАЛБ МУОЛАЖАСИ

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

Билингки, қалб мисоли бир қўрғонга ўхшайди. Шайтон эса қўрғонга бостириб кириб, унга эгалик қилишни хоҳлаб турган душман кабидир. Қўрғонни душмандан муҳофаза қилиш учун унинг эшиклари, заиф ва очиқ ерларини қўриқлаш керак бўлади. Қўрғоннинг бу жойларини билмаган инсон уни ҳимоя қила олмайди.

Қалбни шайтон васвасасидан ҳимоя қилиш ҳар бир мукаллаф бандага фарзи айндир. Шайтонни даф қилиш учун унинг қалбга кириш жойларини билиб олиш лозим бўлади.

Шаҳват, ғазаб ва дунёга ҳирс қўйиш шайтоннинг қалбга кириш эшикларининг катталаридандир. Зикр қилинишича, баъзи авлиёлар иблисга: «Қандай қилиб Одам фарзандидан устун келасан?» дейишганида у: «Ғазаб ва ҳавойи нафсига эришган пайтида уни қўлга оламан», деб жавоб қилади.

Яна шайтон қалбга кирадиган катта эшиклардан бошқаси ҳасад ва очкўзликдир. Қачон банда бирор нарсага очкўзлик қилса, унинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Ҳар қандай нарсага муҳаббатинг сени кўр ва кар қилади», деб марҳамат қилганлар. Агар қалб кўзини ҳасад ва ҳирс тўсиб қўядиган бўлса, у ҳеч нарсани кўролмай қолади. Ана шу пайт шайтоннинг қалбга киришига қулай фурсатдир.

Тўйиб овқат ейиш ҳам шайтон қалбга кирадиган катта эшикдир. Тўйиб ейиш шаҳватни кучайтиради. Шаҳват шайтоннинг қуролидир. Кўп ейишда олтита хатар бор: Аллоҳдан қўрқув кетади, раҳм-шафқат йўқолади, ҳаммани (ўзига ўхшаб) тўқ деб ўйлайди, тоатга суст бўлади, бирор ҳикматли сўзга қалби эримайди, унинг насиҳат ва ваъзлари одамлар қалбига ўрнашмайди, ҳар хил касалликлар пайдо бўлади.

Жиҳозлар, кийим-бошлар ва ҳовли-жойлар билан зийнатланиш ишқи эгаллаган қалбга шайтон тухум қўйиб, бола очади. У инсонда доимо шифт ва деворларни безаклар билан зийнатлашга, биноларни жуда кенг ва баланд қилишга чақириб туради. Яна инсонни кийим ва уловлар билан зийнатланишга ҳам чорлайди. Инсонни шу нарсалар воситасида ўзига бўйсундиришга уринади. Агар шайтон бу тобда бўйсундира олса, олдига иккинчи марта келишига муҳтож бўлмайди, чунки бу ишлар бири иккинчисига уланиб, бири бошқасини етаклаб келаверади. Ва инсон нафси ҳавосига эргашиб, шайтон йўлида ўлиб кетади. Бунинг оқибатида кофирлик билан тугаш хавфи бор. Бундан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз.

Шайтон қалбга кирадиган эшиклардан яна бири таъмагирликдир. Қалбда таъма бўлса, шайтон уни ҳар хил риёлар, фириблар билан ўралаштириб қўяди. Таъмагир кимдан тама кутса, ундаги йўқ сифатларни бор қилиб, зийнатлаб кўрсатишга интилади. Уни маъбудига айлантиради. Доимо унга яхши кўриниш ва дўст бўлиш ҳийлалари ҳақида ўйлайди.

Шошқалоқлик ва субутсизлик ҳам шайтон кирадиган эшикларидандир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Шошқалоқлик шайтондандир, хотиржамлик Аллоҳдандир», деганлар.

Бахиллик, камбағалликдан қўрқиш ҳам шайтон қалбга кирадиган эшиклардан. У инсонни инфоқ-эҳсон қилиш ва садақа беришдан қайтаради. Уни тинмай мол-дунё тўплашга ва аламли азобга чақиради, мол жамлашда бир-бири билан беллашувчи кишиларга Қуръони каримда ваъда қилинган азобга етаклайди. Бахилликнинг сифатларидан бири мол жамлаш учун бозорларни кезишга ўчликдир. Бозорлар эса шайтонлар тўпланадиган жойлардир.

Шайтон эшикларидан яна бири мусулмонларга нисбатан ёмон гумон қилишдир. «Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир» (Ҳужурот, 12). Ёмон гумон қилишдан ва туҳматдан сақланиш вожибдир. Ким одамлар айбини ахтариб, улар ҳақида ёмон гумон қилса, билингки, унинг ботини бузуқдир. Мунофиқ айб ахтаради.

Бу саналганлар шайтон қалбга кирадиган эшикларнинг айримларидир, холос. Уларнинг ҳаммасини келтиришнинг имкони йўқ.

«Қалб ажойиботлари китоби»дан
Маъруфхон МИРМАҲМУД ўғли таржимаси

Машҳур немис файласуфи Фридрих Нитше умр бўйи ўлмас мавзу — Инсоннинг заминдаги ўрни хусусида ўйлади ва айтди. Унинг битикларини илғаш учун эса ўқувчи муайян тайёргарликка эга бўлиши лозим. Инкорона ва исёнкорлик руҳи билан тўлиб-тошган, ҳаёт фалсафасининг ўзанларидан бири — «Зардўшт таваллоси» асарининг адабиётшунос олим Иброҳим ҒАФУРОВ томонидан таржима қилиниши адабиётда ўзига хос воқеа бўлди.

Қуйида таржимон билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ОДАМ — ОДАМНИНГ САЙҚАЛИ

— Исаак Нютон яратган қонунлардан бирини физиклар учта сўзда жамлашади: таъсир — акс таъсир. Яъни бир жисм иккинчи жисмга урилар экан, бир-бирини қувватлантиради, ўзаро таъсирлашади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамият онги ва ижодкор онгини ҳам шунга муқояса қилса бўладими? Зотан, Фридрих Нитше ўз замонаси тафаккуридан анча илгарилаб кетган эди...

— Одам — одамнинг сайқали. Балиқ океан билан тирик. Одам учун ҳам жамият шундай. Жамиятда бир одам иккинчи одамнинг мисоли ойнаси. Жамият ва инсон, ижтимоий онг, унинг турлари ва ижодкор онги ўртасидаги муносабатларда худди мана шу дўлвор ва доно қоида ҳамиша истисносиз тарзда амалда бўлади.

Нитшенинг Зардўшти бир ўринда: «Ким қони билан ривоятлар ёзаркан, у ўзини шунчаки ўқишларини эмас, ёдлаб олишларини истайди», деб айтади. Нитше дастлаб Европанинг энг тушкун ва мусиқий файласуфи Шопенгауэрга, унинг ғаройиб «Дунё: ирода ва тасаввур сифатида» асарига ошиқ ва мафтун бўлиб қолди. Сўнг шу мажнунона ошиқлиги даражасида туриб, уни гўёки қалбаки тангалар — сохта ғоялар ясаган ва ўйлаб чиқарган кимса каби бошдан-оёқ инкор этди. Ўзининг фаол нигилизми — рад ва инкорга — тан олмасликка асосланган фалсафасини қурди. Нитше йигирма беш ёшида буюк композитор ва донишманд Рихард Вагнер билан кўришди. Вагнер ўшанда Европанинг мусиқа ва тафаккур тимсолларидан эди. Нитшеда Вагнернинг асарларига нисбатан буюк бир муҳаббат уйғонди. Аммо кўп вақт ўтмай у Вагнернинг ғояларини шундай шиддат ва жўшқинлик билан инкор этиб, «Нитше Вагнерга қарши» деган руҳда асарлар ёздики, Европа бундай инкор ва раддиядан туғиладиган оригинал қарашлар ва ғояларга илгари сира дуч келмаган эди. Нитше фавқулодда эҳтирос ва ақлий қудрат билан Шекспир, Волтер, Платон, Вагнер, Шопенгауэр, қадим юнон трагедиялари, Достоевский асарлари ичига кириб борди. Уларда баён қилинган таълимотларни ўзлаштирди. У том маънода Платон, Вагнер, Шопенгауэр, Зардўшт ва ҳаттто илоҳий китобларга, ҳаворийларнинг мактубларига эврилди. Улар қобиғига киргач, Платонни — Платон, Вагнерни Вагнер бўлиб инкор этди. Мана шу инкор — буюк фаолликдаги нигилизм довулларида унинг ҳаёт ва инсон мезонлари тўғрисидаги ҳукмронлик иродаси, қайта яралиш, бошдан-оёқ қайта баҳолаш, ало одам (таржимон русча сверхчеловекни шу ибора билан ифодалайди — **У.Ё.**) тўғрисидаги янги қарашлари ва ғоялар системалари дунёга келди.

Ўз даврида Нитшенинг асарлари жуда кам нусхаларда чиқди. Уларни жуда оз, лекин Европанинг асил зиёлилари, фикр эгалари ўқиди. Унинг тўрт асаридан англашилиб турибди. Аммо «Зардўшт таваллоси»да инсон ҳақида қизиққонлик билан ҳукм айтиш ҳоллари ҳам мавжуд: «Бир замонлар сиз маймун эдингиз ва ҳатто ҳозир ҳам аксар маймунлардан кўра кўпроқ маймундирсиз».

Инсонни улуғлаган даҳо ижодкорнинг бу сўзларини «ҳазм» қилиб бўлармикан?

— Албатта, бу ва бунга ўхшаш Нитше асарларида сочилиб ётган юзлаб, минглаб фикрларни унинг асарлари ҳамда файласуфнинг яхлит, бутун системасидан ажратиб олиб қарасангиз, ростдан ҳам «ҳазм» қилиб бўлмайдигандек туюлади. Нитше бирор ўринда «йиқилаётган кимсани итариб юбор» ёки «Кант — тентак» деган иборани қўллаган бўлса, буни матндан юлиб олиб таҳлил ва талқин этиш биринчидан жуда нотўғри, иккинчидан эса, жоҳиллик билан Нитшени бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Гаутама Будда: «У юзингга урсалар, бунисини тутиб бер», деган ахлоқий фикрни айтган бўлса, буни яланғоч — қандай бўлса, шундай талқин қилиш — фалсафани англамаслик, билмаслик, тушунмаслик, кўп ҳолларда тушунишни истамаслиқдан ўзга нарса эмас.

Йиқилаётганни — йиқит. Бу ғайриинсоний фалсафа эмас. Нитшедан келиб чиқсак, бу инсон йиқилиб, йиқилиш азобини бошидан кечирсин, оқибатда чиниқсин, тажриба орттирсин ва ҳеч қачон қайта йиқилмайдиган бўлсин деганидир. Нитшенинг ало одами тобланган, чиниққан, буюк инсоний тажрибалар орттириб камолот чўққисига кўтарилган инсон. «Зардўшт таваллоси» ало одамнинг буюк риёзат йўли ҳақидаги асардир. Бошқа бир ёқдан қарасангиз, одамзот бир хил эмас. Ахир инсон жамиятларида ўзини маймун каби тутувчилар йўқми? Агар махлуқот йўсини билан айтиладиган бўлса, тўнғизлар, чумолилар, тўтилар, капалаклар, бургутлар, туялар, арслонлар, қўйлар-чи?! Инсониятнинг тўрт минг йиллик ижоди, мифологияси бундай ранг-баранг тимсоллар билан тўлиб-тошиб ётибди-ку! Нитше сиз айтган ўринда бутун инсоният ҳақида эмас, муайян маймунлик даражасидан чиқмаган, ало одам бўлишга интилмаганларни назарда тутаётир. Нитше инсонни ожиз бўлиб қолмасликка чақирганда, ирода ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларини кенг ёйганда ҳеч кимга ўхшамаган тоза ва улуғвор инсонпарварликни назарда тутади. Фақат бунга у кескин, шиддаткор, ўта жўшқин инкор, рад қилиш — фаол нигилизм йўлидан боради. Шундай йўлдан бориб, бунга эришишни таклиф этади. Амир Низомиддин Алишер Навоий буюк «Хамса» яратиб, Низомий, Деҳлавийни инкор қилди, деб айтсак, бу оз деганда шаккокликдай қабул қилинади. Лекин аслида у ўта фаол ва жўшқинлик билан инкор этмаса, ҳеч қачон янги йўналишдаги туркий «Хамса»ни яратолмасди. Навоийнинг ғазалиётидаги, ахлоқ фалсафасидаги, хамсачиликдаги кашфиётлари — ҳаммаси, унинг жанговар инкор руҳига эга бўлгани учунгина туғилди. Европа устозлар қанчалар улуғ бўлмасинлар, уларни инкор қилишни тараққиётнинг маҳсулдор йўли, усули, деб билади. Шарқ эса устозларни улуғлаш ва риоя этиш йўлини тутади. Лекин ҳақиқий инкор бўлмаса — ўсиш бўлмайди. Табиат қонуни шундай. Уруғнинг замирига инкор жойлашган. Уруғ ўзини инкор қилиб куртак ёзади ва янгидан ҳосилга киради. Инкор — мангу. Адабий баҳсларда Толстойнинг Шекспирни бутунлай инкор этганлиги, Достоевский Толстойни «ҳазм» қилолмаганлиги ҳақида баҳслар бўлиб туради. Бу жуда табиий ҳол. Ҳазрат Навоий ўз «Хамса»сини яратиш жараёнларини ўта жанговар сўзлар билан тавсифлайди. Эсингиздами? Ганжавий қадим Румни олди, Хисрав тиғи забон чекиб Ҳиндустонни фатҳ этди, Жомий Ажамда навбат урди (руслар буни «набат» дейишади, Навоий эса, қарангки, «навбат урди» деб ғузал тарзда қўллайди...) ва бутун Араб мулкларида кўси шавкат чалди, Навоий бўлса черик чекмай бутун турк улусларини ўз тахти фармонига бўйсундирди, мулкларни забт этиш учун шеърий девонлар юборди. Навоийнинг нима учун «Хамса»га қўл урганлигини изоҳлаб келтираётган шиддатли, жанговар ибораларига — майдон тилига — жанг майдони тилига эътибор бераяпсизми? Мана шундай забткорлик ва унинг замирида инкор бўлмаса, албатта, улуғ инсоний ишлар рўёбга чиқмас эди.

Навоийнинг ажойиб-ғаройиб жанговарлиги, доим майдонларни чоғлаб туриши билан Нитшенинг тўрт минг йиллик фалсафага жанг очиши ўртасида фавқулодда ўхшашликлар кўзга ташланади. Ибтидоси Пифагор ва Фалесдан бошланадиган фалсафа Суқрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Беруний, Ибн Сино тимсолида ҳеч қачон эҳтиросларга берилмас эди. Фалсафанинг тили вазминлик, холислик, жиддийлик, сокинликни танлаган эди. Тўрт минг йиллик фалсафа шундай либосни киярди. Фалсафа Нитше қиёфасига кириб, тамомила эҳтиросга чулғанди. У шиддаткор куч ва шиддаткор руҳ касб этди.

— «Суратсиз асарлар эмас, ғоясиз асарлар китобхонни ухлатиб қўяди», — деган эди ижодкорларимиздан бири. «Зардўшт таваллоси» эса ўзи озчилик ўзбек китобхонларини ухлатиб қўймоқда. Буни фақат ўрганиб қолганимиз — асар воқеалари албатта тадрижий ривожланиши лозим деган ақидага мос келмаганлиги билан изоҳлаш керакми?

— Китобхоннинг «ухлаб қолиши»нинг сабаблари кўп. Китобхоннинг ўзи асли ухлаб қолишга, уйқуга мойил бўлса уни «ухлатиб қўядиган» ёки ухлатиб қўйишга уринадиган ҳодисалар оз эмас. Одатда, зерикарли ёзилган, ўта салоҳиятсиз асарлар, маъноси эски гиламдек қоқиб ташланган, маъносизлик маънодорликка айланган, ҳатто муаллифнинг ўзи амал қилмайдиган насиҳатлар, «кавш қайтаришлар» одамни безори жон қилиб юборади. Китобхон бундай беъманиликларнинг заҳаридан ўзини сақлаш учун уйқуни афзал кўради. Мия ва руҳият бемаъниликлардан сақланиш учун шундай йўл тутади. Бу бемаъниликка қарши туришнинг энг пассив, энг ожиз ва энг талофотсиз йўлидир. Лекин «Зардўшт таваллоси» ўзи озчилик ўзбек китобхонларини ухлатиб қўймоқда, деб айтиш қанчалик тўғри бўларкан? Буни Нитшенинг мазкур шоирона фалсафий асари китобхонларни гипноз қилмоқда, оҳанграбосига солиб аллаламоқда, деб тушуниш ҳам мумкин-ку! «Ухлатиб қўймоқда» дегани бездирмоқда, ихлосини қайтармоқда дегани эмасдир? Ахир Будда ҳикматлари, «Дҳаммапада», Конфуций, Лао Цзе, Яссавий, Боқирғон, Нарекацининг «Мусибатнома»си, Абу Аъло ал-Мааррий китобхонни ухлатиб қўядими? Улар ва уларнинг дохилий сўровларсиз сўзлари инсонятни коинот қаърларида тутиб турувчи ўзак эмасми? Набийлар, валийлар, ҳаворийлар, файласуфлар, алломаларнинг фикрлари гарчи суратсиз бўлсада, мангу уйғоқ ва улар мангу инсонпарварликка чорлаб туради. Нитше ҳам шундай уйғоқлар сирасига киради. Дунёда Нитше асарлари каби фикр ва тафаккур океан мисол ҳайқириб ётган китоблар бармоқ билан санарли. Зардўшт қиёфасига кириб, Зардўшт тимсолида қайта тирилгандай бўлиб, ўз бошидан инсониятнинг туя, бургут, арслон, илон ва гўдак ҳолатларини ҳам кечириб, инсоннинг маданий тарихигача бўлган ҳолатларини ҳам бошидан ўтказиб, тарихгача бўлган ўтмиш билан XX аср оралиғида ҳайқириб ётган Зардўшт — Нитше, тоғу тош саҳроларида соф ва тоза, асил ҳақиқатларни излаб нола-фарёдлар кўтарган Нитше Яссавий, Боқирғон, Ибн Сино, Навоий, Машрабга қанчалар яқин. Улар коинотда мангу ҳукмрон зулматнинг қора ўпқонларидан чиққан, инсониятга файз йўлини соғинган юлдузлар...

Навоийда биласиз:«гетинамо» деган сўз бор. Бу сўз Зардўштдан қолган. «Май ўлур гетинамою Жамшид ани ичган гадо». Жамшид кўп ҳунарларни ихтиро этган, 700 йил подшоҳлик қилган фаровон зот. Синган сопол парчасига солинган май бутун оламни унинг сирлари билан бирга кўрсатадиган гетинамога айланиши мумкин экан. Гетинамо дегани бу ерда бутун оламни кўрсатувчи, намойиш қилувчи дегани. Жамшиддек оламгирнинг шу гетинамодан маст бўлиб гадога айланиши фавқулодда маънога эга ҳолат. Бу май сўфиёна бўлганда, унинг мастоналиги ҳам сўфиёнадир ва бу икки сўфиёналикдан яна ўз навбатида сўфиёна гетинамолик ҳосил бўлади.

Юзма-юз

Европанинг сўфийси Нитше худди мана шу майдан ичган, мана шу гетинамони кўрган ва мана шундай ҳаёл гадосига айланган. Жамшид ва Нитшенинг шу ҳолатларини тасаввуримизга сиғдиролсак, табиийки, биз ўзи ҳали нимани ўрганибмиз? — деган савол туғилади. Зардўшт, бу — коинот. У тасаввуримизга сиғмайди. Нитше ҳам коинот. Балки, тасаввуримизга сиғмаган нарсалар бари бизни ухлатиб қўяр. Тинимсиз ҳайқириб ётган тафаккур дунёларида биз ўзимизни қандай тутамиз? Бу зулматнинг оловли селларига юрагимиз дош берадими? Тоқатимиз етами? Дарров зерикиб қолмаймизми? Бошимиз оғриб кетаётганидан шикоят қилиб юрмаймизми?

— Иброҳим ака, нима деб ўйлайсиз, Нитше вафот этгач, «Зардўшт таваллоси»нинг таҳрирчилари бўлганмикан?

— Нитшенинг ўлимидан сўнг унинг поёнсиз қўлёзма, ёзишмаларини нашр этиш синглиси Элизабет Фёрстер-Нитшега қолди. У немис миллатчиси бўлган эрининг таъсирида Нитшенинг кўп қўлёзмаларини, талай ғояларини, қарашларини сохталаштиришга уринди. Унинг ва нацизм мафкураси таълимотчиларининг таъсирида Нитшени ирода ҳукмронлиги куйчиси, файласуфи сифатида талқин ва тақдим қилишга, Нитшени мафкура қолипига солишга кўп разил уринишлар бўлди. XX аснинг 50-йилларидан кейин Нитшени, унинг асарлари ва ғояларини сохталаштиришларга бутунлай барҳам берилди. Нитшени инсон камолоти тўғрисида қайғурган даҳо файласуф ва шоир каби англаш, тушуниш, қабул қилиш туфайли у бугун, XXI аснинг чинакам файласуфи ва шоири каби гавдаланмоқда. Нитшедан олтитагина ҳикмат ўқиб, бунинг мағзини чаққан одам умр бўйи унга эргашиши табиийдир.

— Нитше ало одамга бориш йўлида инсон руҳининг камолотини уч босқичда кўради: туя, арслон ва бола руҳи. Асар бутунлигича шу формулага асосланади. Яъни Зардўштнинг руҳи дастлаб туя бўлиб («Денгизимнинг қаърлари сокин; унинг тубларида тасқара махлуқларнинг яшириниб ётиши кимнинг ҳам хаёлига келибди!») ўз-ўзини енгади. Сўнгра унинг руҳида арслонга хос ҳукмдорлик ва кибр («Сиз кўтарилмоқчи бўлганингизда тепага қарайсиз. Мен эса пастга қарайман, зеро, мен кўтарилиб бўлганман») акс этади. Кейин эса руҳнинг бола мисол («Олам нақадар теран, ўй ўйлаб етмас ёрон») ҳайрати. Шундан келиб чиққанда, инсон руҳини формулага бўйсундириш мумкинми?

— Нитше «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги ёнида» деб номланган асарида: «Одамда махлуқ ва холиқ бирлашиб кетган... одам бу — гил, маъносизлик, хаос... шу билан бирга, одам, бу — яратувчи, меъмор, илоҳий томошабин, чўқмордек шиддат...» деб ёзади. Руҳ махлуқ ва холиқни бирлаштириб туради. Худо одамни Ақл ва Руҳнинг шакли сифатида яратган. У — ҳамма нарсанинг мезони. Руҳ шаклга буйсунмайди, лекин шаклсиз яшолмайди.

— Асарда Зардўшт кўнглидаги гапларини рамзлар воситасида зикр тушиб айтади. Бургутнинг бўйнига чирмашиб олган қўйи қулоғига неларнидир шивирлаётган илон, кавш қайтараётган сигир, тимсиз тўр тўқийдиган бий ёки «рақс қўшиғи». Ундан ташқари, мифологик образлар.

Фридрих Нитшенинг «Зардўшт таваллоси» асари ўзбек адабиётида ҳам замонни чеклаган рамзий адабиётга «йўлак» очармикан?

— Одамнинг ичида махлуқ ва холиқ доим курашиб туради. Бу кураш бир зум ҳам тўхтамайди. Махлуқ ва холиқнинг кураши, айниқса, тушда жуда рангин ҳамда ўта ибтидоий, ўта сирли шакллар касб этади. Одам мана шу курашда ўзини қайтадан яратади. Мен ўзгардим. У ўзгарди. Одамлар ўзгариб кетди. Бундай гапларни кундалик ҳаётимизда ботбот такрорлаймиз. Бу ўзгаришлар уларнинг мазмунидан қатъи назар махлуқ ва холиқ ўртасида тўхтовсиз бораётган курашнинг натижаси. Инсон ўзини холиқ каби бунёд этоладими, ало одам даражасига кўтарила оладими? — ҳамма гап шунда. Нитше: «Мени яхши ўқишни ўрганинг!» — дейди. Нитшени яхши ўқиган киши ***Инсон муаммоси*** борасида буюк тасаввурга эга бўлади. Махлуқ ва холиқ курашида ўзига ғолиб бир йўлни танлаш қурбатини қозонади.

Умид ЁҚУБОВ суҳбатлашди.

КЎНГИЛГА ОЧИЛГАН ЙЎЛ

Истеъдодли шоир Икром Отамурод ўтган асрнинг 70 — 80-йилларда адабиётимизга кириб келган ижодкорлар авлодига мансуб. Унинг илк тўплами "Вақт ранглари" билан яқинда чоп этилган "Тавр" шеърлар мажмуаси орасида чорак асрлик вақт бор. Ҳар икки мажмуани эслаётганимизнинг боиси шундаки, мазкур тўпламлар бир-бирини тўлдириши, бойитиши билан бирга, шоирнинг ижодий имкониятларини зоҳир этишига кўра ҳам аҳамиятлидир.

Икром Отамурод биринчи шеърий мажмуаси биланоқ зуваласи пишиқ истеъдод соҳиби сифатида ўзини танитган эди. Хусусан, вақт ранглари — бу кечган дамлар, ўтган фурсатлар мазмуни эмас, балки шоир наздида умрлар, тақдирлар, пешонадаги ажинлар. Йиллар адоғида кечинмалар шаклига кирган, кўнгилларга чўкиб қолган армонли, ўкинчли туйғулар, ўй-мушоҳадалардир.

Излайман ўзимни
Уфқларга кетган йўллардан.
Уфқларда битган йўлларда
Қолдириб изимни —

деб ёзади шоир "Вақт ранглари" мажмуасида. Йўллар, шоир талқинига кўра, кўнгил кўчалари. Кўнгилда кечадиган бухронларнинг шабадалари. Кўнгилга очилган дарчалардан, кўнгилга ташланган нигоҳлардан сачраган шуъалар. Шоир олам сир-синоатлари ва кўнгил сирларига жавоб излайди. Улар ўртасидаги уйғунликни туйғач, жозиб ифодасини бериш учун табиат образларини, рангларини моҳирона қўллайди. Шу тариқа, ўй-кечинмаларини, мушоҳадаларини маъноли рамзларга айлантиради. Зотан, тириклик ҳикмати, умр масъулияти шоир онг-шуурини банд этиб келаётган боқий мавзулардир.

Ҳиссий тафаккур ҳолатларини суратлантириш Икром Отамурод услубининг етакчи жиҳатига айланган. "Вақт ранглари"даги шеърларда ниш кўрсатган белгилар "Тавр" тўпламигача кечган даврда устивор хусусиятларга айланди. "Тавр" — арабча сўз бўлиб, сурати ҳол дегани, яъни кўнгилни англаш адоси демакдир. Кўнгил рангларини, туйғу-кечинмалар ҳолатини ифодалаш усуллари, кайфиятларнинг суратларидир.

Чорак аср оралиғида Икром Отамурод "Жануб қушлари", "Уфқлар орти беполён", "Руҳимнинг қайғуси", "Сен", "Кўнглим ўзинг", "Тавр" шеърий мажмуаларини эълон қилди. "Ярадор умид отлари", "Узоқлашаётган оғриқ", "Сопол синиқлари", "Сен", "Ичкари... Ташқари", "Истарим", "Ёбондаги ёлғиз дарахт", "Харитага тушмаган жой", "Тағаззул", "Бир одам", "Анинг умиди" достонларини яратиб, адабий жамоатчиликнинг назарига тушди. Ўзига хос бадиий идрок ва ифода йўсинига эга бўлган бақувват шоир сифатида танилди.

Икром Отамурод изланишларига устоз Абдулла Орипов ҳам алоҳида эътибор берди. Хусусан, унинг анъанавий шеърий шакллар ичида биқиниб қолишни истамаётгани, янги-янги шаклий изланишлар олиб бораётгани устоз назарини тортди. "Мисралари орасида гоҳо ғадир-будир, гоҳ майин руҳий тўлғанишлар кузатилади, — деб таъкидлайди атоқли шоир. — Гоҳида бу тўлғанишларнинг тасвирлари китобий ҳолатларни ҳам эслатади. Лекин истеъдодли шоиримиз назмида ҳаёт фалсафаси кутилмаган ечимлар орқали намоён бўлади, шоирнинг самимиятини, куюнчаклигини дарҳол пайқаб қоласиз. У шунчаки адабиёт учун шеър ёзмаётганига ишонасиз. Ана шундай фазилатлари бор шоирнинг турли шаклий тажрибаларини китобхон тушуниш билан қабул қилади, ёинки уни тушунишга астойдил интилади. Менинг назаримда Икром Отамурод худди шундоқ фазилатларга молик бўлган истеъдодли шоирларимиздан биридир".

Икром Отамурод ижодида ҳаёт ҳодисалари ҳақида фалсафий мушоҳадалар кўп учрайди. Шоир салоҳияти поэтик образларнинг маънодорлиги, ҳаёт ҳикмати-ю тириклик масъулиятини рамзлар тили билан сўзлаш маҳоратида кўринади. Бу борада йўл, от, дарахт, тўрғай, тонг, дераза образлари теран мазмун ифодалашига кўра, шоирнинг олам ва одам сир-синоатларини англашида, тушунишида ўзига хос рамзларга айланган.

Тўрғайларга қўйди у меҳр,
Тўрғайларни суйди дилидан.
Болалиги кузатган, ахир,
Уни, тўрғайларнинг бағридан.

Тўрғай образи шоир шеърларида кўнгил эркинлигини, эркин нафасни, осмон сарҳадлари оша уфқларга бош қўйган дала-даштлар узра жўшган руҳнинг эркин парвозини англатади. Эътибор берсак, тўрғайлар эркин нафас бўлиб, лирик қаҳрамонни йўлга кузатаяпти. Шоирнинг лирик қаҳрамонини олис тириклик сафарига, ҳаёт ҳикматини ўқиш ва ўқишга, кўнгил сирларини англашга, умрнинг маъносини англатишга — синов йўлларига кузатаяпти. Йўл, шоир талқинига кўра, ҳаёт ҳикматини, умр маъносини, тириклик масъулиятини билиш сари чоғланган майл. Замин оламнинг бош китоби бўлса, дашт — ҳаётнинг бир саҳифаси, уфқларга бош қўйган, толиққан хаёл. Даштда ёлғизоёқ йўллар кўп. Заминдаги ёлғизоёқ йўллар, аслида, олам китобининг илк саҳифалари. Кўнгиллар тубидан отилиб чиқаётган, замин дафтарига ёзилиб бораётган овозлар. Уларда ўкинчлар, армону севинчлар садоси турна кўзли изларга айланади.

Шоирнинг лирик қаҳрамони қадамларнинг қисқалигини ҳаётнинг боқийлиги билан қиёслайди. Самарсиз кечган умрнинг одимлари ҳам тўзғиган тўзонлардек белгисиз, изсиз. Осмон кўзларини қувнатган зангори тиниқлик олдидаги барглар яшиллигига монанд. Барглар ҳам дарахтнинг боқий тириклигини англатмайди. Кўз очиб юмгунча хазонга айланади. Дарахтлар — тириклик тимсоли. Барглар — умр фасллари. Тақдир зарбалари турфа. Ҳар доим ҳам бошинг узра офтоб чарақлаб турмас экан.

Қора қиш кунлари — беаёв ёзуқ:
Юпун дарахтларнинг музлар дардлари.
Иссиқда бошига кўтариб, қизиқ,
Совуқда пойига тўшар барглари.

Шу боисмикан, мен юрган йўл шеваси эзгу, дея хийла таскин топгандек бўлади лирик қаҳрамон. "Субутга сайидсир, сукутга таъбир". Шу боисмикан, соғинчлари меҳрга айланиб, гулхайри бўлиб очилади. Кўнгиллардан узилган бир тутам нур, бир ҳовуч меҳр, қатимқатим сабр лирик қаҳрамонга оройиш беради. Туйғуларининг ранги табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетади. Дунё ташвишларидан толиққан, аламлару армонлардан тўлиққан дамларда тўрғайлар, даштлар, қўзигуллар яйраб-яшнаган замин кўксига бир зум бошини қўяди. Ором топади, куч-қувват олади.

Икром Отамурод шеърларида олам ва одам сир-синоатларини англашга чоғланган йўл кўнгилдан бошланиб кўнгилларга қайтади. Тириклик фасларида жўш урган ҳис-туйғулари умр мазмунини англашга сафарбар этилган иштиёқ тусини олади. Бир чимдим нур — ҳаётга, одамларга, тирикликка бўлган меҳрдир, аслида. У кўнгиллардан кўзларга кўчиб ўтади. Кунларнинг ёруғлигига эш бўлади. Қоронғу қалблар эшигини ланг очиб, ичкарига ошиқади. Зеро, чароғон тортмаган, обод бўлмаган қалблар тўрида қабрлар музлайди.

Нигоҳ

Икром Отамуроднинг бадиий изланишлари поэтик образларга маънавий-ахлоқий теран маънолар юклаш жараёнида кечаётир. Шу жиҳатдан от, дарахт, қуш, тонг рамзи образларининг маънодорлиги эътиборлидир. Шоирнинг нафақат "Тавр" мажмуаси, умуман, ҳиссий тафаккурга таянган лирикаси ва достонларидаги услубий изланишлари кенг, атрофлича, алоҳида фикрлаш учун бой материал беради.

"Тавр" — шоирнинг кўп йиллик изланишлари меваси. Янги-янги поэтик образларининг маъно қирраларини уқиш ва ўқиш ўқувчини ҳамиша мароқли мушоҳадаларга чўмдиради. Кўркам, бадиий баркамол шеърлар қаторида машқ даражасидаги шеърлар ҳам мажмуадан ўрин олганки, улар шоир асарларининг бадиий савиясига соя солади. Бундай машқлар гуруч орасидан чиқиб қоладиган курмаклар сингари шеър сурурини бузади.

Маънавий-интеллектуал қадриятларга муносабати ҳар бир жамиятнинг кўнгил маърифатини, ахлоқий даражасини белгилаб келади. Шеъриятимиз тарихига мурожаат этадиган бўлсак, поэтик образлар динамикаси, бу — маънавий-ахлоқий қадриятларни эъзозлашдир. Асл санъат асарлари бунинг кўзгуси. У бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида ҳамиша бош мезондир. Шу нуқтаи назардан қараганда Икром Отамуроднинг айрим шеърларидан кўнгил тўлмайди. Масалан, қуйидаги оддий гаплар шеър, деб тақдим қилинади.

Дўстингни ҳимоя қилишга
етмаса қурбинг,
уддалай олмасанг бундай шарафни,
келтириб билмасанг сўз сўнгини гар,
мақтамай қўяқол яхшиси,
дўстман демай қўяқол яхшиси.
Чор атрофдан от солиб ёғий,
қўли устун келган чоғида,
сен дўстингни ғанимлар аро
ташлаб кетсанг,
ҳимо беролмай
ва бекиниш учун қидирсанг
ўзингга бир холироқ бурчак.
Мақтамай қўяқол яхшиси,
Дўстман демай қўяқол яхшиси...

Ушбу шеърда гина-кудуратдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Поэтик образга айланган на бирон-бир фикр, на туйғу-кечинма бор. Дўстга хиёнатнинг, оқибатсизликнинг моҳияти тўғрисидаги фикр-мушоҳадалар поэтик образ зиммасига юкланмаса ҳаётий сабоқ сифатида қизиқиш уйғотиши мумкин эди. "Ёнма-ён келган бир хил рақамлар", "Ваъдалар — ёлғондан битилган" сингари шеърлар ҳам шу тахлит — вазни енгил, юзаки.

Мажмуадаги айрим шеърларда атоқли отларнинг бузиб берилгани, хусусан, Қашқадарёнинг Қашқадайро тарзида берилиши меҳр ифодасида самимийликка эмас, юзакиликка олиб келган. Бадиий асардаги персонаж шу тарзда гапириши мумкиндир. Лекин шоирнинг дил ифодаси бўлган шеърда бу ўзини оқламайди. Қолаверса, жой номларини ямлаб гапириш ўта кучли меҳрнинг самимийлигига белги бўлолмайди. Бу хилдаги зўрма-зўракилик тилни бузиш билан баробарки, бу билан ўқувчиларни чалғитиш мумкин, холос.

Бу каби жузъий қусурлардан қатъи назар, истеъдодли шоир Икром Отамуроднинг ҳар бир тўпламини шеърхонлар интиқлик билан кутишади. Зеро, кўнгилнинг янги-янги саҳифаларига сафар номаълум иқлимларга очилган йўлдир, аслида. У ҳамиша мароқли, ибратли ва сабоқлидир.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

«ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИНИНГ 2005 ЙИЛ 6-СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Қадим юнон файласуфи Аристотел «Поэтика» асарида фожиавий қаҳрамоннинг бутун борлиғини чулғаб олган «ҳалокат ёки изтиробга солувчи» эҳтиросни пафос, деб атаган. Белинский Шекспирнинг «Ромео ва Жулетта»сида муҳаббат пафоси, «Макбет»да ҳокимият пафоси устуворлигини қайд этган. Пафос қандай ҳодиса, пафос турларига кўра қандай таснифлади? Бу саволларга сиз Мирзоаҳмад Олимовнинг «Пафос турларининг икки таснифи ҳақида» мақоласидан жавоб топасиз. Журналнинг ушбу сонида яна адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига доир О.Сафаровнинг («Айнийнинг «Базм» ғазали хусусида»), А.Абдуллаевнинг («Девони ҳикмат»да яссавия тариқати ғоялари»), Э.Очиловнинг («Ўзбек адабиётшунослигида рубоийнинг ўрганилиши»), И.Ёқубовнинг («Ишқ аҳли» романининг адабий-фалсафий концепцияси») сингари тадқиқотлари ёритилган. А.Муҳаммаджоновнинг «Хоразм» топоними этимологиясига доир, Б.Бафоевнинг Навоий асарлари тилида ҳаракат номлари билан боғлиқ ва бошқа тилшунослик масалаларига бағишланган мақолалар ҳам журналдан ўрин олган.

Журналларни варақлаганда...

«Илмий ахборот» рукнида тадқиқотчиларнинг мумтоз ва ҳозирги замон адабиётларининг муҳим мавзулардаги илмий изланишлари ёритилган. «Ўзбек шеъриятида Ойбек тимсоли» (Ш.Давронова), «Роман — хроника ва Амир Темур образи» (Ў.Соибжонова), «Баҳр ул-ҳудо» қасидаси (М.Шарипова), «Қиссаи Сайқалий» достони (С.Соипов), «Лайли ва Мажнун» достонида номачилик анъаналари (М.Ҳотамова) ҳақидаги ҳамда бадиий асарларнинг тил хусусиятларига доир тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, журналнинг мазкур сонида қадимий «Олтин ёруқ» асарининг давоми билан танишасиз, «Фанимиз заҳматкашлари», «Илмий ҳаёт» рукнларида берилган қутлов ва хабарлардан баҳраманд бўласиз.

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА

Манас ЛЕВИЕВни хотирлаб...

«Гармония» сўзи уйғунлик, деб таржима этилади-да, кўпроқ мусиқа, камроқ тасвирий санъат кўринишларини таърифлашда қўлланилади. Аслида бу сўзнинг қамрови кенг, мазмуни теран эмасмикин?! Зеро, у мутаносиблик, боғланиш, мослик, уйғунлик сўзларига ҳамда улар қамраб олган мазмунга мос келади... Эҳтимол, бу сўзни эстетика, яъни гўзалликни изоҳловчи қудратли восита сифатида ҳам тушуниш мумкиндир.

Шу маънода ўзбек зиёлиларининг аксариятига нисбатан бу сўзни ишлатсак ўринли бўлади. Хусусан, гўзалликнинг асл кўринишлари машҳур композитор Манас Левиевнинг одоби, самимияти, камтаринлигида кўзга ташланиб турарди. Ҳозир ҳам у яратган ижод саҳифаларини варақлаётганимда, дилимизга яқин мусиқаларини тинглаганимда, ҳамиша хушчақчақ кайфиятда юрадиган дилкаш, олижаноб бу шахснинг ёқимли табассумини кўргандек, ҳазил-мутойибасидан завқлангандек бўламан.

Гуллаган ўрикка маҳлиё бўлганлардан бири — композитор Манас Левиев мусиқаси, ашулалари бизни гўзаллик оламига бошлайди. Уни баҳор, бахт, севги куйчиси, деб таърифлаш тўғри бўлади. Кўркам баҳор фаслини умрбод мадҳ этиб ўтди у. «Олтинкўл» мусиқали драмасида Сарви ва Шоҳиста дуэти эрта кўкламдан, севгининг ширин дардидан завқ олаётган дугоналарнинг ҳолати фасл билан боғланган ҳолда янграйди. Кўкламнинг кўм-кўк кўриниши шу ранг (кўкимтир ранглар силсиласи)га мос келган лирик садоларда ўз аксини топади.

Биринчи дуэтда мураккаб психологик ҳолатни ҳам, баҳор нафасини ҳам, қизларнинг арази, дарди ўрнига ширин ўйлар, аҳду паймон қилганларнинг севгисига садоқати ҳам бадиий мусиқавий ечимини топа олганлиги Манас аканинг маҳоратидан далолатдир.

Манас ака ўзининг тайёр асарини пианинода чалиб ашула айтиб, тингловчиларга изоҳлаб берганини кўриб, завқланганларданман. Лекин ижод дамларини, мусиқанинг дастлабки жумласи пайдо бўлишини кўрмаганман. Ҳозир қалин нуқталар, синиқ чизиқлар, драматургик паузалар белгилари билан ифода этилган нота саҳифаларини аста варақлайман-да, Манас ака уйқусиз ўтказган тунларни, клавиатурага термулиб қўшиқ тўқиётган бастакорни, шошиб ёзилган ноталарнинг дастлабки — қаламда ёзилган нусхаларини куй сеҳргари қанчалик қадрлашини кўз олдимга келтираман. Нота белгилари қалам билан қўйилган. Тагига шеърий мисра ҳам бўғинма-бўғин шу тарзда ёзилган. Ўчириб қайта ёзилган жойлари жуда кам.

«Икром кўп ёзади, Мутаваккил ҳеч ёзмайди», — деб Икром Акбаровга ва Мутал Бурҳоновга ҳазил қилганларида кулги кўтарилар ва «Ўзингиз-чи? Ўзингиз кўп ёзасизми?» деган савол тушарди. Шунда унинг «Мен Мавлоно Алишер Навоий олдидаги қарзимни узиб олай, кейин ёзаман», деган хитоби янграрди. М.Левиев ҳамкасб дўсти Икром Акбаров баъзан жуда бўш пиесаларга ҳам мусиқа ёзишини, Мутаваккил Бурҳонов эса ўн йилликлар давомида асар ёзмаслигини, «Навоий» операсининг яратилиши ниҳоятда чўзилиб кетганини назарда тутиб юқоридаги ҳазилини айтган эди. Лекин у вазият жиддийлашишига йўл қўймас, бирор баҳона топиб гапни бошқа мавзуга кўчирарди.

Бир сафар уйимизда, шундай жўшқин дамлар авжига чиққанида, телеэкранда Луиза Зокирова «Наманганнинг олмаси» қўшиғини айта бошлади. Шунда Манас ака «маърузасини» тўхатди-да, экранни бағрига босиб, бўса олмоқчи бўлди ва бу ҳаракати билан ҳаммани кулдирди.

Манас ака гўзаллик шайдоси бўлиб, табиатда, санъатда, ижодда гўзалликни, том маънодаги гармонияни излаб, унинг кўринишларидан маст бўлиб юраверган. Қарасаки, 50 дан ошиб, 60 га етиб қолибди. Келинпошша билан бир неча йил яшаб, халқ артисти даражасига кўтарилиб, умрининг сўнгги палласини роҳатфароғатда ўтказгану аммо фарзанд кўрмаган. Кўп болали оилада ўсган Манасай (Манас аканинг асл исми) ўн болали ота-онанинг еттинчи фарзанди бўлган, болаларни жон-дилидан севган. Мутаваккил Бурҳонов, Икром Акбаров, Сулаймон Юдаков каби композиторлар ҳам фарзандга бўлган меҳрини мусиқасида ифодалаганлар. Уларнинг айрим асарларида фарзанд соғинчи ҳис-туйғуларини сезаман, лекин бу нозик мавзуда фикр юритганларини эслолмайман. Кеча-кундуз оҳанг, мусиқавий ечим излашларини эса кўп кўрганман. Баъзи асарлар эрта саҳарда туғилганини ҳам эшитганман. «Ўрик гуллаганда» ашуласининг дастлабки ноталари вақт ярим кечадан ўтганидан кейин ёзилиб, саҳарга яқин уларнинг ҳозирги кундаги барчага маълум ва манзур куйи тайёр бўлганини Манас аканинг ўзи айтиб берган эди.

Баҳор кунларидан бирида Миша тоғанинг (М.Левиевга шундай мурожаат этардик) уйига бордик. «Сухайл ва Меҳри» балетининг мусиқасини қайта ёзаётган дамлари эди. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони шунчалик бой, теранки, унинг биргина бобини ҳам спектаклга асос қилиб олиш мумкинлиги ҳақида гап кетди. Либреттода, балетда шоир дурдонасининг руҳини сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида композитор куйиниб сўзлади. Кузатмоқчи бўлиб биз билан кўчага чиқдилар. Уйларининг олдидан ўтган кичкинагина ариқ бўйида ёш ўрик дарахти гуллаб, келинчакдек салом бериб турганини кўрдик.

— Сиздан миннатдор ўрик дарахти салом бераётгандек бўлаяпти! Ахир сиз унинг худди шундай кўринишини эъзозлаган, мусиқангизда мадҳ этгансиз, Миша тоға, — дедим мен.

— Одамлар қизиқ: шундай гўзал манзарадан завқланмай, уни тўйиб томоша қилмай ўтиб кетаверадилар. Куни кеча бу ниҳолнинг шохлари қуп-қуруқ эди. Ҳаёт аломати йўқ эди. Мўъжизани қаранг, новдаларни безаб ғунчалар келди. Кўкламнинг илиқ нафаси. Қараб тўймайсан бу нозик гулга.

Суҳбатдошим нозик новдаларга узоқ термулиб қолди. Саволим ижод оламида парвоз қилаётган шоиртабиат бу шахсни «ерга қайтарди».

— «Ўрик гуллаганда»нинг куйи сўзига жуда тушган-да. Шоир ҳаёт бўлганида хурсанд бўлармиди...

—Ҳамид Олимжонга маъқул бўлармиди-йўқми, айтолмайман, албатта. Лекин киностудия, «Ойдин саҳифа» ижодий гуруҳи миннатдорчилик билдиришди.

— Филм томошабин ёдида қолмади. Унда илк бор айтилган «Ўрик гуллаганда» ашуласи эса машҳур бўлиб кетди. Кадрларни кўриб ёзганмисиз?

— Бирорта кадрни кўрсатишмаган. Бир кечада ёзганман. Тез ёзиб беринг, филмимиз тайёр, қўшиқни жойига қўйсак, деб ишни бир зумда битирмоқчи бўлди киностудиядан келган элчи. Шеърни қўлимга берди. Қарасам, азалдан мен ўқиб, ёдлаб, ашула қиламан, деб юрган Ҳамид Олимжоннинг шеъри.

Буюртмани ҳафта, ўн кунда бажарарман десам, шоширди. Эртага олиб кетаман нотани, деб туриб олди. Хуллас, вақт хуфтондан ўтган эди, чамаси. Клавишларни босдим. Гўзал шеърга мос оҳанг изладим. Чиқавермади. Уйда танҳо кезавердим. Ҳар хил оҳангларни топиб, мисраларга туширмоқчи бўлдим. Биласизми, илгари аввал мусиқа ёзилган, сўнгра унга тўғри келадиган шеър битилган. Бу гал вазифам оғирроқ кўринди. Шоир ҳаёт бўлса эди, айрим сўзлар қўшилиши, баъзилари тушиб қолиши мумкин бўларди. Туроб Тўла билан биз шу тарзда ишлаймиз. Хуллас, вақт ярим кечадан ўтганида халқ куйига ўхшаб кетадиган бир оҳангни топдим. Шеърнинг биринчи мисрасини унга туширдим. Шундан кейин иш юришиб кетди. Биринчи хўроз қичқируви эшитилганида қўшиқнинг хомаки нусхаси битгандек бўлди. Телефонни олдим-у, бир хонанданинг уйига қўнғироқ қилдим.

— Алло! — деди у уйқусираб. Бемаҳал безовта қилганимдан норози бўлди.

— Тезда етиб келинг. Бир ашула ёздим. Айтиб кўрасиз. Турмуш ўртоғингиз ҳам торини кўтариб келсин, — дедим.

Шундай бўлди. Такси олиб келиб қолишди эру-хотин. Дарҳол чалиб бердим. Ўзим айтдим ҳам. Хонанда куйни илғаб олди. Қўшилиб айтди. Тор ҳам қўшилди. Уч киши хурсанд бўлиб, бир-биримизни табриклаб тонг оттирдик... Яна битта шундай куй яратсам армоним йўқ эди.

Манас акани тинглаётганимда, унинг «Ўрик гуллаганда» куйи қулоғимга чалинди, тасаввуримда эса эрта тонг, қушлар сайраши, кўклам нафаси, оқ-қора клавишларнинг ҳаракатга келиши, ниҳоят ёш ниҳолнинг биринчи баҳори — илк бор гуллаши, ҳали изғирини кетмаган кўклам шамолига бардош бериб, далада анбар таратиб туриши жонланди.

Баҳор, севги куйчисининг мусиқаси ўзидек гўзал, қалби мусиқасидек гўзал. Гармония деб шуни айтадилар-да!

Ҳамидулла АКБАРОВ

ЙЎЛИНГИЗ ОЙДИН БЎЛСИН

Кўрикдан кейинги ўйлар

Ўзбек кинематографияси ўзининг энг яхши миллий анъаналарини, ижодий тажрибаларини сақлаб қолган ҳолда, бугун ўзига хос ривожланиш йўлидан бормоқда.

Албатта, бир-икки йилда ўзбек кинематографиясида туб ўзгаришлар юз беради, деб ўйлаш нотўғри бўларди. Шубҳасиз, бунинг учун вақт керак. Лекин, кино санъатида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланаётганлигини ҳам эътироф этиш зарур. «Ўзбекфилм» яна дубляжга мурожаат эта бошлади. Прокатни тиклаш ва унинг ишларини ташкил этиш бўйича жиддий иш бошланди. Назаримизда, катта тажрибага эга режиссёрларимиз «Ўзбекфилм»га қайтаётгандек. Буларнинг барчаси жараён аллақачон бошланганидан ва унинг натижалари кўнгилдагидек бўлишидан далолат бериб турибди.

Хўш, ижодий жараён-чи? Бугун у қандай аҳволда? Яқинда «Ўзбеккино»да бўлиб ўтган ижодий конференция аввалида намойиш этилган филмлар мазкур жараён ҳақида фикр юритиш имконини берди. Албатта, бир мақола доирасида барча филмларни қамраб олиш мушкул, лекин уларнинг баъзиларига тўхталишни ва фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни лозим топдик.

«Ўзбекхроника» студиясида аксарияти унинг ажойиб анъаналарига асос солган кинематографчиларнинг катта бир гуруҳи фаолият кўрсатади. Кўпгина филмларда ота-боболаримиз ва замондошларимизнинг қиёфалари акс эттирилган. Улар орасида бир филм мавзу жиҳатдан, қаҳрамонлари ва кинематографик ечими билан кўпларнинг диққатини тортди. Бу А.Акбархўжаевнинг «Бир ғаройибот тарихи» филми бўлиб, унда сеҳрли қўллари билан беморларга қувонч ва бахт ато этаётган ажойиб хирург Умархўжаев ҳақида ҳикоя қилинади. Шуниси эътиборлики, филм қаҳрамонлари ўз даволаш усуллари ҳақида узоқ монологлар ўқимайдилар, лекин режиссёр тасвиридаги иш, жарроҳлик, беморлар билан мулоқотлар жараёнлари орқали замондошимизнинг эсда қоларли образи намоён бўлади.

Шубҳасиз, портретлар яратиш яхши иш, лекин бошқа жанрларга нисбатан бу жанрни афзал кўриш тўғри йўл эмас, деб ўйлаймиз. Бундай «ихтисослашиб» қолиш қайтариққа олиб келади, яъни бир қолипдаги қиёфаларни юзага келтиради. Атрофимиздаги ўзининг кинематографик талқинини кутиб ётган воқеалар тўлиб-тошиб ётибди. Бу ўринда гап мавзули филмлар ҳақида бормоқда. Ўзбек киноси мавзули филмлар яратиш борасида бой тажрибага эга. Афсуски, бундай асарлар кам яратилмоқда. Агар ижодий ёндошилса, ушбу мавзуда қизиқарли филмлар ишлаш мумкин. Мисол тариқасида уста режиссёр Р.Ботировнинг Тошкент қўғирчоқ театри ҳақидаги «Қўғирчоқ уйи сирлари» филмини айтиб ўтмоқчимиз. Шуниси борки, бугунги турмуш тарзимиз, ҳаёт ҳақида яхши филм ишлаш учун теран ва тийрак нигоҳ зарур, иккинчи даражали нарсани асосийсидан ажрата билиш лозим. Бугун ҳужжатли кино муваффақиятли ривожланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд, студияда ижодий кучлар ҳам етарли, фақат улардан самарали фойдаланиш зарур.

Ўтган йили яратилган бадиий филмларнинг бир нечтаси замонавий мавзуни кинематографик жиҳатдан ўзлаштириш мураккаб жараён эканлигини кўрсатди. Иллюстратив филмлардан воз кечиш анча қийин кечмоқда.

Бугунги бадиий кинода сюжетларда, образларда, бутун тасвирий-пластик ечим тизимида миллий ўзига хосликни ёрқин акс эттирувчи филмлар яратиш биринчи ўринга чиқди. Замонавий ўзбек киноси моҳиятан миллий муаммони ҳал этиш йўлига чиқиб олди. Бадиий филмда миллийликнинг янги концепциясига мустақиллик даврида яратилган «Буюк Темур» (И.Эргашев, Б.Содиқов), «Ёлғиз ёдгорим» (С.Назармуҳамедов), «Осмондаги болалар» (З.Мусоқов), «Эркак» (Ю.Розиқов) каби филмлар орқали асос солинган эди. Миллий ўзига хосликни ифодалашда миллийликни фақат ташқи жиҳатдан очишга интилишдан қочиш лозим. Агар шундай қилинмаса, сентименталлик ва насиҳатгўйлик тузоғига тушиб қолиш мумкин.

Кўрилган филмлар муҳим мавзуларда яратилган: «Сардор — 2» (Ш.Маҳбубов) ўзбек армияси ҳақида, «Мерган мелиса» (И.Эргашев), «Кўргулик» (А.Шаҳобиддинов), «Хотира рашки» (Ф.Жалолов) каби филмлар фано ва бақо, гуноҳ ва уни ювиш каби абадий муаммоларни ўз ичига олган маънавият мавзуларида яратилган. Ташқи белгилари жиҳатидангина миллий бўлган бу филмларда асосий омил — ўз фикрлари, ҳис-туйғулари, кечинмалари, дарду қувончлари билан томошабин қалбини ларзага солувчи қаҳрамонлар етишмайди. Филм аслида ана шундай қаҳрамонлари билан кишини ўзига тортади. Бизнингча, бу нарса ҳар бир режиссёрга кундай равшан бўлиши керак. Лекин филмлар бунинг аксини кўрсатяпти.

Ахлоқий мавзудаги «Ўйин» (О.Йўлдошев) филми ёш замондошимизнинг психологик ҳолатини яратиш йўлида жиддий уриниш эканлиги билан ажралиб туради. Филм сценарийси Ш.Бошбеков қаламига мансуб. Бу ёзувчининг асарлари ҳамиша аниқ композицияси, сюжетнинг пухта ишланганлиги, қаҳрамонга, унинг образини яратишга эътибори билан ажралиб туради. Филмда айнан шу хусусиятлар кўзга ташланади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бадиий кинодаги асосий муаммо сценарийлар масаласидир. Очиғи, бу кинодаги азалий муаммо, аммо бугун бу муаммо кескин характер касб этмоқда. Зеро, бундан буён филмлар сони кўпайиб бориши кераклигини назарда тутсак, масаланинг нақадар долзарблиги аён бўлади. Мазкур муаммони турли йўллар билан ҳал этиш мумкин: сценарийлар танлови эълон қилиш (бу иш қилинди), зарур даражага етказиш учун сценарий муаллифлари билан ишлаш, таниқли муаллифларга буюртмалар бериш мумкин ва ҳ.к. Шу ўринда сценарий билан боғлиқ бир нозик жиҳатга тўхталиш лозим: сценарийни ўқий олиш, ундан қизиқарли филм униб чиқиши мумкин бўлган зарур уруғни кўра билиш лозим. Бу нарса ижодий тажрибада тасдиқланган. Масалан, катта ижодий тажрибага эга бўлган маҳоратли режиссёр Қ.Камолова Ш.Турдимовнинг «Йўл бўлсин» номли ноодатий, мураккаб сценарийсида ўзининг бўлажак филмини кўра билди.

«Йўл бўлсин» филмининг дастлабки кадрлариёқ мафтункор кучи билан томошабинни ҳайрат оғушига олади. Кино табиати ва поэтикаси бу филмда бор бўйи билан намоён бўлган. Том маънодаги бетакрор миллийлик ҳамда ўзбекона ўзига хосликка йўғрилган филм севги ҳақида, бахтни соғиниш ва унга эришиш, янада кенгроқ айтадиган бўлсак, ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади. Буларнинг бари оператор Р.Ибрагимовнинг ажойиб тасвирий ечимида, М.Бафоевнинг гўзал оҳангларида, барча актёрларнинг ижросида ўз ифодасини топган. Филмнинг ана шу барча компонентлари режиссёр таланти туфайли ўзига хос яхлит бир асарга мужассам бўлган. Тасвир ва мусиқа, қадимий ва шу филм учун махсус ёзилган қўшиқлар уйғунлик касб этиб, картина ғоясини очишга, мазмунини бойитишга хизмат қилган. Санъатнинг бой имкониятларидан моҳирона фойдаланган Қ.Камолова миллий ҳаётимиз моҳиятига, ўзбек менталитетига ичдан назар солишга муваффақ бўлади, шунинг учун ҳам асар этнографизмдан ҳоли яратилган.

«Йўл бўлсин» филми томошабинни халқимизнинг чуқур маънавий бойлиги оламига олиб киради. Мазкур картина ҳақиқий бадиийликнинг, тасвирий ифодавийликнинг намунасидир.

Албатта, «Ўзбекфилм» картиналари бир-бирига ўхшамайди, чунки ҳар бир режиссёрнинг бадиий тафаккури ўзига хос бўлади. Лекин улар аксарият томошабинлар кўраётган тижорат филмларига ҳам бефарқ бўлмасликлари керак. Хусусий студиялар билан туғилган рақобат давлат студияларида яратилган филмларга талабчанликни кучайтиришни талаб этади.

Ўзбек кино санъати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди ва биз кинематографчиларимизга Қ.Камолова филмидаги қўшиқ сатрларини бағишламоқчимиз:

Йўл бўлсин-о, йўл бўлсин,
Босган изларингиз гул бўлсин!

Ханжара АБУЛҚОСИМОВА,
киношунос

Маданий ҳаёт

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида жаҳон рақс санъатида ўзига хос мактаб яратган санъаткорлар Игор Моисеев ва Тамарахоним таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Рус маданият маркази ва Тамарахоним уй-муейи Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказган болалар ва ўсмирлар рақс фестивали рақс санъатининг ютуқларини оммалаштириш, миллий анъаналарни тиклаш, ёш авлоднинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш ҳамда маданий алоқаларни кучайтиришга бағишланди.

Фестивал иштирокчилари Игор Моисеевнинг байрам табригини зўр эътибор билан тингладилар. Тадбир рақслар гулдастасидан иборат гала концерт билан якунланди.

* * *

С.Хўжаниёзов номидаги Ёш томошабинлар театрида ҳаваскор фотосуратчиларнинг республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Барча шаҳар ва туманлардан қатнашган фотосуратчиларнинг она Ватани, мустақилликни тараннум этувчи, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган лавҳалари томошабинларга манзур бўлди. Шунингдек, Мўйноқ, Беруний, Тўрткўл туманларида миллий урф-одат ва қадриятларни, маросимларни акс эттирувчи фото асарлар намойиш қилинди.

М.КАРИМОВА

БАСТАКОР МЕРОСИ

Ижодий тажриба

Ўтган XX аср миллий мусиқамиз, хусусан, қарийб ўн беш асрлик тарихига, мукаммал анъаналарига ва ўзигагина хос ижодий-услубий тамойилларига эга бўлган ўзбек бастакорлик санъати тараққиётида ўзгача из қолдирди. Бир томондан, Тўхтасин Жалилов бошлиқ Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Ғуломжон Рўзибоев, Мамадазиз Ниёзов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Мухторжон Муртазоевдек забардаст ижодкорлардан иборат Фарғона водийси бастакорлик мактаби, Имомжон Икромов ва Юнус Ражабийлар раҳнамолигидаги Фахриддин Содиқов, Саиджон Калонов, Муҳаммаджон Мирзаев, Орифжон Қосимов, Орифхон Ҳотамов, Неъматжон Қулабдуллаев каби ўзига хос ижодий услуб соҳиблари билан боғлиқ Тошкент бастакорлик мактаби шаклланган бўлса, иккинчи томондан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм воҳаларида ҳам маҳаллий анъаналарга таянган бастакорлар авлоди пайдо бўлди.

Шу билан бирга ана шундай бой ижодий анъананинг бир ярим минг йиллик тамойилларини ўзлаштиришга ўтган асрда етарли даражада эътибор берилмайди. Фақат айрим узоқни кўзлаган бастакорларгина мазкур мақсадни амалга оширишга қўл уришди. Хусусан, консерваториямизга ўқитувчиликка жалб этилган Фахриддин Содиқов, Фаттоҳхон Мамадалиев ва Орифхон Ҳотамовлар ёш авлодга созандалик ёинки хонандалик сабоқлари билан бир қаторда, айни ижодкорлик сирларини ҳам сингдира бошлаган эдилар.

Булардан ҳар бирининг зикр этилаётган соҳага қўшган ҳиссалари беқиёс ва ҳалигача ўрганилмай келинмоқда. Шу боис, ЮНЕСКОнинг «Шашмақом — жаҳон маданиятининг бебаҳо дурдонаси» дастури доирасида куни кеча нашр юзини кўрган мусиқашунос — профессор Равшан Юнусовнинг «Фахриддин Содиқов» (илмий муҳаррир — санъатшунослик фанлари доктори О.Иброҳимов) китоби мавжуд бўшлиқни тўлдирувчи дастлабки намунадир.

Айрим бастакорларимиз (композиторлар эмас) — Т.Жалилов, Ю.Ражабий ёинки Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловга бағишланган (марҳум Илёс Акбаров, Маҳмуд Аҳмедов қаламига мансуб) китобчалардан бирмунча фарқли ўлароқ, ушбу нашр ўзининг наинки салмоқли ҳажми (216 бет), балки тадқиқ этилаётган улкан санъаткор шахсига нисбатан кенг қамровда ёндашилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Муҳими, муаллиф Фахриддин Содиқовдек серқирра санъаткорнинг шаклланиши, ижодий баркамолликка кўтарилишини ўша давр муҳитидаги ижобий ва салбий (мафкуравий) жараёнлар кесимида, замондош созанда-ю бастакорлар фаолиятига қиёсан боғлаган ҳолда кўриб чиқишга интилган ва бунинг уддасидан чиққан.

Китоб мазмунини жонлантиришда Р.Юнусов бетакрор бастакорнинг фарзандлари хотираларидан фойдаланганлиги, машҳур куй ва қўшиқлари таҳлилини нота мисоллари билан келтирилганлиги, қолаверса, бевосита ва билвосита адабиётлардан ўринли иқтибослар, қузатувларни келтириб, буларга ўз муносабатини билдирганлиги ижобий самаралар берган.

Ўйлайманки, китоб бошида таъкидланган мақсад, яъни мутахассислар ва ихлосмандларга фойда келтириши шубҳасиздир.

Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
санъатшунослик фанлари доктори

КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шомуҳиддин Мансуров билан суҳбатимиз китоб ва унинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ҳақида бўлди.

— Халқимиз "Китоб — билим манбаи" деб бежиз айтмаган. У аждодлар тажрибасини, билим-тафаккурини авлодларга етказувчи муҳим воситадир. Ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда айрим кишилар "Ҳар қандай ахборотни замонавий электрон воситалар орқали олиш мумкин-ку", дея эътироз билдирадилар. Аммо ишончим комилки, китобнинг ўрнини ҳеч нарса тўлдира олмайди. Китоб маънавий бойлик бўлиб, жамият тараққиётининг, илмий тафаккуримизнинг кўзгуси ҳисобланади.

— Мамлакатимизда китоб чоп этиш ишлари мустақиллик йилларида жадал ривожланиб кетди. Ўнлаб нашриётлар, босмаханалар, хусусий корхоналар ўз фаолиятларини бошлади. Шундай бир вазиятда китоб ўқилиши қай даражада, деб ўйлайсиз?

— Бундай савол кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида ҳам қўйилмоқда. Мен "Бугун яхши китоб ўқилмоқда", дея оламан. Бироқ, у қай даражада, қандай доирада ўқилмоқда, қайси тоифа ўқимоқда – бу бошқа масала. Гап шундаки, республикамиздаги 50 дан зиёд турли нашриётлар чоп этаётган китобларнинг ҳаммаси ҳам бир хил даражада эмас. Ўқилмаётган китоблар ҳам бор. Демоқчиманки, яхши асар ҳар қандай шароитда ҳам ўз ўқувчисини топади. Шу ўринда бир масалага тўхталмоқчиман. Яхши китобларни яхши тарғибот ҳам қилиш керак.



— Сиз кўп йиллар меҳнат қилиб келаётган "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида бу иш қандай йўлга қўйилган?

— "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида ҳар йили 200 дан зиёд номда бадиий адабиёт, дарсликлар, ижтимоий-сиёсий, юридик, маълумотнома китоблар нашрга тайёрланиб, чоп этилади. Уларни китобхонга етказиш йўллари эса хилма-хил. Очиқ савдога чиқариш, турли ташкилотларга сотиш, жойларга олиб бориб тарқатиш... Лекин китоб чиққач, уни албатта тарғибот қилиш ҳам керак. Шу мақсадда яқинда пойтахтимизнинг Ёшлар шаҳарчасида, Тошкент Техника Университети маънавият саройида, Ўзбекистон Миллий Университетида, шу ҳудудда жойлашган коллеж, лицей ва бошқа таълим муассасаларида қизиқарли мулоқотлар ўтказдик. Бир неча соат давом этган бу учрашувлар китобхонларда катта таассурот ҳам қолдирди. Шундай учрашув республика Солиқ академиясида ҳам бўлиб ўтди.

— Нашриёт-матбаа ижодий уйида ноширлик бўйича "Устоз-шогирд" масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

— Бу жуда нозик жиҳат. Ҳозир деярли барча нашриётларда (нашриёт-матбаа ижодий уйларини назарда тутяпман) муҳаррирлар асосан ёши улуғ мутахассислардан иборат. Бу ишга ёшларни фаол жалб қилиш, қизиқтириш талаб этилмоқда. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа уйида малакали ёш муҳаррирлар тайёрлаш мақсадида икки нафар стажёр ўрни очилмоқда. Бу стажёрлар тажрибали муҳаррирлардан сабоқ олиши мўлжалланган.

Аввалари ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети Филология факултети журналистика бўлимида ношир муҳаррирлар гуруҳи бўларди ва у ерда нашриётлар учун мутахассислар тайёрланарди. Кейинчалик бу хайрли иш тўхтаб қолди. "Ўзбекистон матбуоти" журналининг 2005 йил 6-сонида тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров ва тарих фанлари номзоди Мирботир Ҳусановларнинг "Журналист кадрлар тайёрлаш: муаммолар ва истиқболлар" мақоласини ўқиб, Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факултети магистратурасида ноширлик йўналиши ҳам борлигидан хабар топиб, хурсанд бўлдим. Демак, ноширликни ривожлантириш учун яна бир асос яратилибди.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Серзаҳмат, аммо шарафли ишингизда янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

Замира ТЎЛАГАНОВА
суҳбатлашди.

Кўргазма залларида

АФСОНАГА АЙЛАНГАН

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида ўзбек рақс санъатининг ёрқин арбоби, таниқли раққоса ва қўшиқчи Тамарахоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Афсонага айланган ном» деб номланувчи кўргазма ташкил этилди.

Эллик йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида Тамарахонимнинг репертуари жаҳоннинг 90 га яқин халқлари қўшиқ ва рақслари билан бойиди. Санъаткор юксак ижрочилик маҳорати билан ўзга халқлар тили, рақс ҳаракатларидаги хусусиятларни, нозик миллий ўзига хосликларни ифодалай олган.

Тамарахоним биринчи балет мактаби асосчисидир. Айни шу мактаб негизида хореография билим юрти ташкил топган. Бугун олий мактабга айланган ана шу даргоҳдан рақс санъатининг янги авлодлари етишиб чиқмоқда.

Кўп йиллардан буён халқимизнинг истеъдодли санъаткори ижодини асраб келаётган Тамарахоним уй-музейи ходимлари томонидан ташкил этилган бу кўргазмада раққоса ижодий фаолиятига оид экспонатлар, фотосуратлар ва Ўзбекистон Марказий кинофото ҳужжатлар архивида сақланаётган видеотасма ёзувлари асосида Тамарахонимнинг юксак маҳорат билан ижро этилган рақслари ўрин олган.

Бехзод КОДИРОВ,
талаба

Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат.

МУЧАЛДОШЛАРИМ

Қутлуғ ёшини нишонлаётган ижодкор дўстларимга

Вафодорлик совринини олганмиз,
Биз виждонга доим содиқ қолганмиз.
Илму ирфон, ижодиёт бобида
Довруғ билан олдинга от солганмиз.
Бу пойгада мард йўлдошларим —
Мучалдошларим.

Пойимизда тоғлар чўкар шаҳд қилсак,
Омад, зафар қўлдан кетмас аҳд қилсак.
Номларимиз сергакликнинг рамзидир,
Кимдир ҳайрон ризқни доим нақд қилсак.
Юртдошларим ва дилдошларим —
Мучалдошларим.

Саҳнада дилларни чунон забт этиб,
Эркин Комил борди шуҳратга етиб.
Ёдгор Саъдий ўйнар Асадбек ролин —
Уддалайди қай зот ундан ҳам ўтиб?
Санъатдаги «амал»дошларим —
Мучалдошларим.

Тоҳир Малик гултожидир «Шайтанат»,
Китобхонлар ичра топди у иззат.
«ЎзА»да оқсоқол Бахтиёр Мансур,
Абдулҳай Носирнинг тили нақ шарбат.
Қалам тутган «қурол»дошларим —
Мучалдошларим.

Халқ лапари — Фаррух Зокир қаноти,
«Ялла» билан обод доим ҳаёти.

Низомиддин ўғли Шаҳбоз фахр ила —
Дегай: «Эл олқиши — кўнглим нажоти!»
Эли билан бир тилдошларим —
Мучалдошларим.

Уста Муҳаммад Назирни билмас ким,
«Манзур» созин кашф этса-да юрар жим.
Ул созга дил боғлаб Тоҳир Ражабий,
Бармоғидан наво сочар инграб сим.
Мақом навосида камолдошларим —
Мучалдошларим.

Фарғонада Тилаволди ғиззо-ғиз,
Ҳам олим, ҳам тилмоч, ношир ва ҳофиз.
Ёзар Темур Убайдилло шеър-достон,
Устозларга эргашади изма-из.
Ҳикматдошу маталдошларим —
Мучалдошларим.

Маъруфахон оташюрак, олмас тин,
Ҳаво мавжин эритар, сўйлаб сокин.
Бешинчи бор мучал қучган дўстларни
Қутламоққа жазм айлади Нуриддин.
Олтмиш ёшли, эй, йилдошларим —
Мучалдошларим!

Нуриддин АМИНЖОН,
Бешинчи мучал соҳиби

ҒАРОЙИБ ТУШ

Мунажжаллар башорати

Қўй. Сешанба куни ишга борманг. Бошни ўраб, миқ этмай ётаверинг. Борганингиз билан бир нима ўзгармайди. Кечаги машмаша яна давом этади. Сизга керакми шу?

Бузоқ. Кейинги пайтларда сизни тушуниб бўлмай қолди. Ғалати қилиқларингиздан ўзингиз ҳам ҳайрон бўлаётган бўлсангиз керак. Оёққа икки хил пайпоқ илганингиз-ку, майли, ўғилчанинг костюмини кийиб мактабга борганингиз ҳаммасидан ўтиб тушди. Пайшанба куни хотинга чучвара тугдириб, олдини қўшниларга узатгирворинг.

Эгизаклар. Сешанба куни сизга камида уч киши севги изҳор қилади. Инсоф билан айтганда, уччови ҳам ёмон эмас. Иззатталаблик қилманг. Изҳори дилларини диққат билан эшитинг. Иш вақти тугашига ярим соат қолганида уччовига ҳам билдирмай, ютуқ чиққан лотерея билетини ички чўнтакка яхшилаб жойланг-да, уйга жўнаворинг.

Қисқичбақа. Чоршанба куни меҳмонга таклиф этиласиз. Эски одатингиз қўзғаб, дастурхонда нима бўлса, паққос тушираверманг. Чой олиб кирган боладан қанақа таомлар борлигини сўраб олиб, шунга яраша иш тутинг. Конфетни сиқимлаб чўнтакка урманг, сиздан бошқаларда ҳам набиралар бор. Ҳар бир хилидан тўрт донадан олсангиз, бас.

Арслон. Душанба куни тушдан кейин сиздан анча-мунча пул олиб, қайтармай қочиб юрган эски дўстингизни «Юнусобод» бозорида кўриб қоласиз. Сизни кўрадию эски танқдай устингизга бостириб келаверади. Хомтама бўлманг, чўнтагида бир мири ҳам йўқ. Шартта бурилиб, бошқа растага кириб кетинг, у ярамас орқангиздан тушади. Иложи бўлса, бирорта сабзипурушнинг тиккалаб қўйган қопи орқасига яшириниб туринг. Шундай қилмасангиз, яна озроқ қарз беришингизга тўғри келади.

Паризод. Маҳалла гузаридаги қассобхонадан шанба, якшанба кунлари гўшт олманг. Гарчи қассоб бола сизга анча қадрдон бўлиб қолган бўлса ҳам. Нега дейсизми? Ўтган якшанбада худди шу йигит мол бозорида тўртта серка харид қилганини сиз билмайсиз холос, бошқалар билишади.

Тарози. Чоршанба куни ажойиб туш кўрасиз. Эҳ, мана буни туш деса бўлади. Бунақасини бўйдоқлик йилларингиз ҳам кўрмагансиз. Тўғрими? Бировга оғиз оча кўрманг, ичингизда қолиб кетсин. Оғзингиздан гуллаб қўйсангиз, бошқа кўриб бўпсиз.

Чаён. Ҳафта давомида омад қуши бошингиз атрофида чарх уриб юради. Аммо қўнмайди. Сабаби сочингиз ўсиб, чор тарафга тарвақайлаб ётибди. Ювмаганингизга ҳам бир ойдан ошди. Шунақа бошга бахт қуши тугул сассиқпопушак ҳам ўтирмайди.

Ўқотар. Сешанба куни сизлардан тепада ўтирадиган қўшнингиз яна сув оқизиб, яқинда таъмирлаган уйингизнинг расвосини чиқаради. Ғавғо кўтарманг, қўшнига ҳеч нима деманг-да, ярим кечада ҳамма жўмракларни очиб пастки қўшнининг уйини эрта азонгача сувга тўлдиринг. Шу уйни асли сиз олмоқчи эдингиз, тўғрими? Тепангиздаги қўшни ҳали тили чиқмаган набирасига деб, илиб кетди. Баттар бўлсин.

Тоғ эчкиси. Ҳафта давомида ҳаётингизда айрим кўнгилсиз воқеалар ҳам бўлиб ўтиши эҳтимоли бор. Шу сабабли маслаҳатларимизга жиддий эътибор беришингизга тўғри келади. Чунончи, бирор жойда рақсга таклиф қилиб қолишса, нотаниш аёллар билан ўйнаманг. Мажбур қилишса «Тановар» ёки «Дилхирож»га тушинг, валс бошланди дегунча жойингизга келиб ўтиринг. Бундай ўтиришларда кўз уриштиришдан кўра сўз уриштириш тинчроқ.

Трамвай ёки троллейбусда бирорта аёлга жой бермоқчи бўлсангиз, бозорга сиз билан бирга хотинингиз ҳам кетаётганини унутманг.

«Айтишув» концертида ким билан ёнма-ён ўтиришга ҳам эътибор қилинг. Мўтти акангиз сиз ўтирган жойни камида ўн марта кўрсаттиради.

Қовға. «Қуда чақириқ» маросимини чўзавермай, шу ҳафтада ўтказиб юборганингиз маъқул. Кейинги ҳафта қудангизнинг ўзи сизни чақириб қолиши мумкин.

Балиқ. Ҳафта давомида қази-қарта, думба-жигар, қовурдоқ, тандир кабоб, балиқ увилдириғи истеъмол қилмай турганингиз маъқул. Ҳеч эътибор қилганмисиз, энг сара витаминлар кўк чучварада бўлади. Тўйиб еб, қолганини нонуштага олиб қўйсангиз, қандоқ яхши.

ДИҚҚАТ:

КУНДОШЛАРНИНГ КУНИ ТУҒДИ

«ТАСМА» студияси ижодкорлари ёш иқтидорли кинодраматург Эшдавлат Махсумов сценарийси асосида «Кундошлар» бадиий филмини суратга олишга тайёргарлик кўришмоқда. Бўлажак филмнинг режиссёри ҳамда ўзига тўқ ҳомийлардан олинган маълумотларга қараганда, ҳаётий воқеалар асосига қурилган бу филм қирқ беш сериядан иборат бўлиб, серуруқ ва серфарзанд бир сулоланинг кейинги юз йил ичидаги ҳаёти ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Дастлабки ва сўнгги сериялар хорижий мамлакатлардан бирида (ёз ва қиш мавсумларида) суратга олинади.

Мазкур филмда суратга тушишни истаган истеъдодли, аввалари камида икки-уч филмда иштирок этиб, маълум тажриба орттирган йигит-қизларни студияга таклиф қиламиз. Иш ҳақи суратга олиш қайси мамлакат ҳудудида олиб борилаётган бўлса, шу жойнинг миллий валютасида тўланади.

Студия, шунингдек, мазкур филмда фойдаланиш учун аҳолидан қадимий кийим-кечак, сўзана, палак, гилам, тўн, белбоғ, турли хил тақинчоқлар ҳамда уй-рўзғор буюмларини келишилган нархларда сотиб олади. Бу ишга воситачилар аралашмаслигини сўраймиз.

Студия манзили: Тошкент шаҳри, «Янги ҳавас» кўчаси, 416-уй.
Мўлжал: «Бир жуфт банан» кафеси ёнида.

ҚИСҚА ЭЪЛОН

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририяти турли мавзуларда ёзилган, қисқа муддат ичида ўқиб чиқиш мумкин бўлган қисқа мақолаларга танлов эълон қилади.
Энг қисқа мақолалар қисқа фурсат ичида чоп этилади.
Танлов шартларига мос келмаган мақолаларга оғзаки равишда қисқа жавоб берилади.
Қисқа фурсатда омадингизни синаб кўринг!

ИЧИНГ ВА ҚУТУЛИНГ

Машҳур халқ табиби Дармонбой Талқонбой ўғлининг гиёҳ ва турли суюқликлардан тайёрлаган "Дартал-2006" шифобахш суюқлигини истеъмол қилсангиз, сурункали ичкетти ва ичқотти, қориннинг ҳаддан ташқари осилиб кетиши, нафснинг ҳакалак отиши, бемаврид қўл қичиши, шилқимлик ва яна кўплаб шу каби иллатлардан тез кунда халос бўласиз. Олам олам бўлганидан бери бунақаси бўлмаган ва бўлмайди ҳам.
Дори сифатига кафолат берилади.
Шифобахш ичимликни идишларга қуйиб уйга олиб кетиш ҳам мумкин. Аммо шахсий манфаат йўлида бошқаларга сотиш қатъиян маън қилинади.
Ичинг ва қутулинг!

Шодмон ОТАБЕК

ХАВФЛИ ЮТУҚ

Ҳаҳвия

Олдиндан айтиб қўя қолай — камина шахмат жинниси. Шу ўйин деса ўзимни томдан ташлайман. Маҳоратлари қалай дейсизми? Албатта, ишқибозликка яраша-да! Анча-мунчасига бўш келмаймиз. Ишхонада каминага ютқазавериб аламзада бўлганлар, зимдан тиш қайраб юрганлар оз эмас: Ютқазганлари бир нав, ҳаммасидан менинг гапларим ўтиб тушади: «Одам қуригандай келиб-келиб сен билан шахмат ўйнаб юрибманми? Олдин ҳам ўйнаганмидинг ўзи? Бор, китобини ўқиб кел!» Шунда бечоранинг ранги бўзариб, жиғибийрон бўлганини кўрсам маза қиламан. Бу ҳам камлик қилгандек, алам қилса бурнингни тишла, деб қўяман. Йиқилган курашга тўймас дегандай, «яна бир ўйнайлик» деб ялинишларини кўрсангиз... «Мен ютқазган одам билан ўйнамайман» дея бироз таранг қилиб тураман-да, кейин доналарни қайта тера бошлайман. Раҳмим келганидан баъзан атай қолиб берсаммикин, деб қўяман. Аммо худо кўрсатмасин, ютқазиб берсангиз кейин оғиз очирмайди бу хумпарлар. Шунинг учун ҳам мушук сичқонни ейишдан олдин эрмак қилиб ўйнаганидай, пича эрмак қилиб тураманда, кейин «ҳап» этиб «ютиб» юбораман.

Бир куни учрашувга бора туриб, йўлакачи сартарошхонага кирдим. Афт-ангорни сал эпақага келтириб бормасак бўлмайди. Қайлиғимиз маймунсифат «мажнун»ларни ёқтирмайди.

Сартарошхонанинг кутиш хонасида беш-олти чоғли одам давра қурган, ўртадаги шахмат тахтасида даҳанаки «жанг» кетяпти. Салом бериб, секин сўрадим:

— Ким охири?

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, сартарошга.

— Бу ерда навбат шахматга! Ютқазган туриб кетаверади!

«Тавба, сартарошхонами ўзи бу ер ёки чойхонами? Мендан баттар шахмат жиннилари ҳам бор экан-у билмай юрган эканман. Бир ўзимни кўрсатиб қўйсаммикин? Учрашувга ҳали икки ярим соат бор. Лобархон барибир бир соат кечикиб келади. Таваккал, ўйнаганим бўлсин!»

Секингина даврага суқилдим. Ҳаш-паш дегунча олдига келганни «ямламай ютаётган», бурни муштумдай, бароқ қошли шахматчига рўпара бўлдим. У «ҳали сен ҳам бормидинг?» дегандай менга бир ўқрайиб қўйди-ю, жеркиброқ сўради:

— Оқда ўйнайсизми, қорадами?

— Устасига барибир — оқми, сариқми... — илмоқли, беписанд жавоб қилдим. Туйқус «зарба»дан рақибимнинг кўзлари олайиб кетгандек бўлди. Мувозанатини андак йўқотди. Мен учун шуниси муҳим эди.

Шахматчи ҳужумнинг ҳамма усулидан воқиф бўлиши керак. Айтишларича, қайсар шахматчи Фишер ҳам олдин рақибини бир бало қилиб мувозанатдан чиқариб оларкан-да, кейин ўз мақомига йўрғалатаркан. Аммо менинг рақибим ҳадеганда нўхатасини бировга бераверадиганлардан эмас эди. Қалтис тузоқларга, текин «ҳадя»ларга парво қилмади. Мен ҳам қараб турмадим. Пайт пойлаб туриб, боплаб сипоҳни қурбон қилувдим, худди қопга тушган мушукдай типирчилаб қолди. Ана энди шўрликнинг ҳолини кўринг. Сиртмоқдан чиқиш учун ўзини ҳар томонга уриб кўрди, бўлмади. Ноилож, охири таслим бўлди.

Рақибим ростдан ҳам ютқазиб ўрганмаганми ёки ўзидан зўрларни тан олиш одати йўқми, бошини ҳам қилганча миқ этмай ўтираверди. Атрофдагилар унга ҳамдардлик билдиргандай, ачиниб қарашди. Мен ҳам айб иш қилиб қўйган боладай индамай қолдим. Ниҳоят, учрашув эсимга тушиб, ичкарига кирдим. Сартарошларнинг бири иш билан банд, иккинчиси кийимини алмаштираётган экан. Ишини тугатган сартарош ўрнига ҳозир бошқа уста келишини айтиб, чиқиб кетди. Кута бошладим. Димоғим чоғ. Бир томондан ғалаба нашъаси, иккинчи томондан бўлажак учрашув ва ҳозир сартарошхонадан арчилган тухумдай бўлиб чиқишимни ўйлаб, ўзимча ҳовлиқиб қўяман.

Шу пайт кутилмаганда хонага боя шахматда менга ютқазган рақибим тумтайиб кириб келди. Мен уни соч олдирса керак деб ўйлаб, сурилиб ёнимдан жой бўшатдим. Аммо у ичкаридаги бошқа бир хонага кириб, оқ халат кийиб чиқди.

У менга ғалати қараш қилди, қиёфасида кулгигами, заҳархандагами ўхшаш бир нима пайдо бўлди. Ноилож у кўрсатган ўриндиққа чўкдим.

Сартарош қутиларини шарақ-шуруқ қилиб, нимадир қидирди. Кейин эски бир устарани топиб, қайрай бошлади.

Юрагим бирдан «шув» этиб кетди. Негадир хаёлимга ваҳимали ўйлар келди. Ё тавба, нималар бўляпти ўзи? Сартарошнинг авзойини кўриб, игна устида ўтиргандай безовталана бошладим. Намунча устарасини узоқ қайрамаса! Секингина қуён бўлиб қолсам-чи?! Бўлмайди, орият ўлимдан қаттиқ. Хўш, нима бўлиши мумкин ўзи? Жаҳл устида... Йўғ-е! Сўйса ўзига қийин — қамалади! Билмай қолибман деб шартта қулоғимни кесиб олса-чи? Эҳ, эсон-омон шу ердан чиқиб олай, кейин... шахматни ким билан қандай ўйнаш лозимлигини би-ир яхшилаб ўйлаб кўраман...

Сартарош «гурс-гурс» юриб ёнимга келди. Сочимни нари-бери текислаб бўлгач, соқолимни совун кўпиги билан бир карра шоша-пиша ишқалаб чиқдида, иягимга тиғ тегизди. «Тамом» дедим-у кўзимни чирт юмиб олдим. Устара ҳар қиртишлаганда баданим туз сепгандай ачишиб оғрир, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетар эди. Сартарош эса парвойи фалак, худди пўстдумба тозалаётгандай бошимни гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга аёвсиз қайирар, ўтмас устарада теримни шилиб олаётганга ўхшар эди. Гоҳо «жиз» этган жойларга юмшоқ бир нарса текканини сезиб қолардим.

Ниҳоят, сартарош елкамдаги оқ чойшабни олиб, сочларни қоқаётганда секин ойнага қарадим. Турқи-тароватимни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Соқолим оппоқ пахта, худди қорбобонинг ўзиман. Қулоқларим худди шамол тегирмонининг паррагидай диккайиб қопти. Оббо! Бу аҳволда энди учрашувга қандоғ бордим? Ҳай майли, қутулганимга шукур!

Сартарош қўлини белига тираганча тиржайиб турарди.

— Қалай, йигитча, яна биттадан ташлашамизми?

Хўш, сиз нима дейсиз? Ташлашиб кўрсаммикин-а?..

Дунё—кенг...

ЖАСАД МУЗЛАТИЛСА...

«Умрбоқийлик технологияси» на вақт ва на ҳарорат синовига дош бера олди. Ўлимдан кейин жасадни музлатиб қўйиш ғояси — крионика тарафдорлари жиддий йўқотишга юз тутдилар: бу ғоянинг кўзга кўринган арбобларидан бўлмиш Рейманд Мартинонинг жасади, музлатгич бузилиб қолгани боис, айний бошлади. Айни пайтда эса, бошқа мамлакатлардаги крионика институтларида 200 нафар музлатилган одам жасади сақланаётир, мутахассислар уларни келажакда тирилтиришдан умидвордирлар.

Одам танасини музлатиб қўйиб, кейинчалик тирилтириш мумкин, деган абсурд ғоянинг муаллифи америкалик физик профессор Роберт Эттинжер «Умрбоқийлик истиқболлари» китобида ўлган одамнинг танаси дарҳол музлатиб қўйилса, асрлар мобайнида бузилмай асл ҳолида туради, келажакда музлатилган жасадни жонлартиришнинг илмий асослари кашф этилгач, уни қайта жонлантириш мумкин, деган назарияни олдинга сурди ва илмий асослашга уринди.

Эттинжернинг китоби чиқиши биланоқ Вашингтонда умрни узайтириш Жамияти ташкил этилади ва бу жамият ўз олдига одам танасини музлатиш ҳамда узоқ муддатга сақлаш технологиясини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўяди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз вақтида шу қадар юқумли тус олдики, унга машҳур биокимик ва фантаст адиб Айзек Азимов ҳам қўшилди. Унинг уринишлари таъсирида бу ҳаракат «крионика» номини олди.

Умрбоқийликка биринчи бўлиб психология профессори Жеймс Бэдфорт «даъвогарлик қилди» — унинг жасади 196 даража совуқ суюқ азотга жойланди. Психологнинг йўқотадиган нарсаси йўқ, чунки у ўпка саратонига дучор бўлганди. 1967 йил 12 январда рўй берган бу воқеа дунёга жуда катта янгилик сифатида тарқалди. Умуман, бу ғоя пул билан ҳамма нарсага эришса бўлади, деб ўйлайдиган миллионерларнинг кўнгилларидан чуқур жой олди. Криоинститутга мижоз бўлиш уларнинг орзу-ҳавасига айланди.

Бироқ 1979 йилда фалокат юз бериб, бу ҳаракатнинг бошида турган Калифорния крионика жамияти музлатиб сақлаш технологияларига риоя қилинмаганлиги боис, музлатиб қўйилган тўққизта жасад бузила бошлаганини тан олишга мажбур бўлди. Музлатилган жасадни сақлаш технологиясига риоя этилмаганининг сабаби оддий эди: жасад эгалари — бойваччалар жасадни асраш учун тўлаб турилиши лозим бўлган маблағни бермай қўйишганди. Оқибатда, Калифорния жамияти молиявий инқирозга юз тутди, бошлиқларининг иши судга оширилди.

Бу воқеа умрбоқийликни ваъда қилганлар учун қақшатгич зарба бўлди: жамиятнинг филиаллари таназзулга юз тутди, айримлари тугаб битди. Улар томонидан музлатилган мижозларнинг жасадлари камералардан чиқариб олиниб, ерга дафн этилди. 1980 йили музлатилганларнинг орасида фақат Жеймс Бэдфортнинг жасади «Алкор» номли «Умрни узайтириш фонди» — энг йирик крионика маркази музлатгичида сақланаётир. Ҳозир пайтга келиб бу маҳобатли ҳаракатдан фақат шу фонд ва Мичиган крионика жамияти қолди, холос.

Шунга қарамай, айни пайтда дунёда «Умрбоқийлик клуби»нинг икки юзтача «аъзоси»нинг жасади криокамераларда «тирилишларини кутиб» ётибди. Музлатилган жасадларнинг аниқ сони ва уларнинг исм-шарифлари сир сақланади. Улар орасидан фақат Раймонд Мартинонинг жасадидан «кўргазмали нусха» сифатида реклама учун фойдаланилган.

Дарвоқе, доктор Мартино оддий мижоз эмас, балки криониканинг ашаддий тарғиботчиларидан бўлган. У ўзи сотиб олган Луардаги қаср ертўласида бир ўринли криомарказни жиҳозлаб, унга саратондан қазо қилган хотинини жойлаган эди. 2002 йил унинг ўзи ҳам қўқисдан вафот этди. Ўғли Реми отасини ертўладаги криомарказга — онасининг ёнига жойлайди. Шундан кейин француз ҳуқуқ ҳимоячилари Ремини қамоққа олишга, эр-хотин Мартинолар жасадларини камерадан олиб, ерга дафн этиш ҳақида қарор чиқарди. Халқаро крионика жамоатчилигининг норозилигига қарамай суд ўз қарорида қолди.

Бу жанжал ҳали якун топмай туриб, бундан бир ҳафта олдин профессор Мартино жасади жойланган камерадаги ҳарорат кўтарила бошлагани — совутиш тизими ишдан чиққани маълум бўлди. Унинг ўғли ота-онасининг жасадларини музлатгичдан олиб дафн этишини расман эълон қилди...

Умуман, крионика америкача кашфиёт сифатида ҳали ҳам Қўшма Штатларда эътибордан тушгани йўқ. Ўлимдан сўнг жасадни музлатиш Европада ҳозир 28 минг доллар туради. Крионика маркази — «Алкор» умрни узайтириш фонди»да марҳумнинг фақат бошини музлатиш нархи 80 минг долларгача, бутун бир жасадни музлатиш эса 150 минг доллар.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Ўзбекистон халқ шоири

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, дўст-қадрдонларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси, режиссёр Қаҳрамон Саъдуллаевга ўғли

КАМРОНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи Иқбол ҚЎШШАЕВА
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4049. Буюртма Г — 549. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН